Гос. библиотека УзССР
2 АПР 1985
ОПИСАНО

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 84 (19.160). ● 1985 йил 10 апрель, чоршанба ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

1985 йил 8 апрель куни КПСС Марказий Комитетида М. С. Горбачев, Г. В. Романов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков ўртоқлар саноат бирлашмалари ва корхоналарининг, колхоз ва совхозларнинг, ишлаб чиқариш бригадаларининг раҳбарлари, мутахассислар ва олимлар билан учрашдилар. Учрашувда шу йилги ва бутун беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган масалалар, шунингдек КПСС XXVII съезди арафасида жамиятимиз олдида турган энг муҳим иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этиш йўллари ҳамда методлари муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев учрашувни оча туриб, мамлакат масъулиятли даврни бошдан кечираётганлигини қайд этиб ўтди. Бу — улкан ишлар ва муҳим қарорлар, эришилган ютуқларни чуқур анализ қилиш ва унга реалистик баҳо бериш, олға томон ҳаракатга халқит қилаётган проблемалар ва ғовларни аниқлаш давридир. Бу давр қизғин меҳнат ва дадил тафаккур билан тўлдирилиши, янада юксакроқ халқ хўжалик натижаларига эришиш учун одамларнинг ташаббуси ва ижодкорлигига кенг имконият очиши керак

Партия XXVII съездига тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги пайтда ишда уюшқоқликни ошириш, иқтисодий ривожланиш суръатларини юксалтиришга барча ижодий кучлар ва резервларни сафарбар этиш талаб қилинади. Йил бу гал кўпгина регионларда одатдагидек бошланмади: ҳам объектив, ҳам субъектив ҳар хил сабаблар таъсир қилди. Қаҳратон қишни ҳам ҳисобга олиш керак, албатта, аммо уюшқоқсизлик, баъзида хотиржамлик, айрим жойларда эса масъулиятсизлик ҳам биринчи квартал якунларига салбий даражада таъсир ўтказди. Ҳозир қолоқликка барҳам бериш, планда белгиланган ҳамма режаларни бажариш бош вазифадир. Бунинг учун кадрларнинг иш учун масъулиятини, уюшқоқликни қатъиян ошириш, интизомни кучайтириш керак. Юксак техникавий-иқтисодий кўрсаткичларга эришиш соҳасида илғор саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар, бригадалар тўплаган тажрибадан фойдаланиш муҳимдир.

Учрашувда кўпгина актуал масалалар юзасидан ошкора гаплашиб олинди. Ўн иккинчи беш йиллик иқтисодий ривожланишнинг кўпгина йўналишлари бўйича бурилиш беш йиллиги бўлиб қолиши лозимлиги қайд этиб ўтилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ шаҳар ва қишлоқдаги ҳар бир меҳнат коллективи ўзининг беш йиллик планларини ишлаб чиқа туриб, унга мавжуд резервларни киритиши, белгиланган планни рўёбга чиқариш учун барча зарур нарсаларни кўзда тутиши керак.

Учрашув қатнашчилари маҳсулот сифатини ошириш масаласига катта эътибор бердилар. Кўпгина корхоналар маънавий эскирган машина ва ускуналарни, ҳаридоргир бўлмаган халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқармоқдалар. Аммо бу ҳол эскичасига ишлаётганларнинг мавқеига таъсир қилмаяпти. Саноатимиз ва қишлоқ хўжалигимизнинг барча маҳсулоти сифатини қатъиян оширишга қаратилган самарали чоралар кўриш зарурлиги, бу эса ғоят катта халқ хўжалик аҳамиятига ва сиёсий аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Хўжалик механизми ва бошқаришни такомиллаштириш борасидаги тадбирларни меҳнат коллективларининг активлиги ҳамда ташаббускорлигини бутун чоралар билан ривожлантиришга қаратиш муҳимдир, дейишди учрашув қатнашчилари. Бош йўналишларда марказлаштирилган планлаштиришни мустаҳкамлай бориб, бундан бўён ҳам чинакам хўжалик ҳисобини изчиллик билан жорий этиш, корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг масъулиятини, иқтисодий мустақиллигини, шунингдек юксак пировард натижаларга эришишдан умуман коллективнинг ҳам, ҳар бир ходимнинг ҳам манфаатдорлигини ошириш керак.

Қишлоқ хўжалигининг ва у билан боғлиқ тармоқларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга, агросаноат комплекси барча бўғинларининг самарадорлиги ва ўзаро масъулиятини оширишга жиддий эътибор берилиши лозим.

Ҳозирги шароитда меҳнат коллективларининг бошланғич ячейкалари — ишлаб чиқариш бригадаларининг роли ва аҳамияти ошиб бормоқда. Бригадалар куч тўплаши, уларнинг ҳар бирида хўжалик ҳисоби тўла даражада қўлланилиши, меҳнат унумдорлиги муттасил ўсиб бориши учун ҳамма жойда шарт-шароитлар яратилиши керак.

Учрашувда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, интенсивлаш йўлига тезроқ ўтиш тўғрисида жиддий гап борди. Бунинг учун, деб таъкидлашди сўзга чиққан кишилар, янги заводлар қуриш учун камроқ маблағ сарфлаш, капитал маблағнинг асосий қисмини эса ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга сарфлаш, замонавий юксак унумли машина-ускуналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарур. Станкосозликни, электроника, электротехника ва приборосозликни илдам суръатлар билан ривожлантириш керак.

Ҳозирги шароитда хўжалик юритиш системаси шундай қурилиши керакки, ҳар бир коллектив, барча меҳнаткашлар ижтимоий ишлаб чиқаришда, унинг самарадорлигини оширишда ўз қобилиятлари ва имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланишга интиладиган бўлсинлар. Партия ташкилотлари омма ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни қанчалик активроқ олиб борсалар, социалистик мусобақани ривожлантирсалар, ишлаб чиқариш масалалари ва социал масалалар, давлат манфаатлари, коллектив ва шахс манфаатлари бир-бири билан қанчалик чамбарчас боғланса, бу вазифалар шунчалик муваффақиятли ҳал этилади.

Учрашувда: В. И. Ленин номидаги Магнитогорск металлургия комбинатининг директори Л. В. Радюкевич; Иваново станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. П. Кабаидзе; «Харьков трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. В. Библик; Норильск кон -металлургия комбинатининг директори Б. И. Колесников; «Днепропетровск комбайн заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. А. Покуса; Москвадаги «Космос» тикувчилик фабрикасининг директори М. П. Будаева; Ставрополь ўлкасидаги «Казьминский» колхозининг раиси А. А. Шумский; Гродно областидаги «Прогресс» колхозининг раиси А. И. Дубко; «Ленинград металл заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғувчи слесарларининг бригадири В. С. Чичеров ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар.

ПАРТИЯ ИШИ САВИЯСИНИ ОШИРАЙЛИК

9 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси район ва шаҳар комитетлари секретарларининг семинар-кенгаши ўз ишини бошлади.

Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида республикада иқтисодий ва маданий қурилишга партия раҳбарлигини янада кучайтириш соҳасидаги вазифалар тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев семинар-кенгаш қатнашчилари ҳузурида доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров республика халқ хўжалигининг аҳволи ва уни интенсивлаш ҳамда бошқаришни такомиллаштириш асосида янада ривожлантириш йўллари ҳақида доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорлари ва Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясининг тавсиялари асосида республика партия ташкилотининг идеологик, сиёсий-тарбиявий ишини янада такомиллаштириш — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева қилган доклад мавзуи бўлди.

Семинар-кенгашда раҳбар кадрларнинг партиявий ўқишини, ғоявий-назарий чиниқишини такомиллаштириш, ягона сиёсий кунларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнида раҳбарларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш, партия комитетларининг ташқи сиёсат пропагандаси ва контрпропаганда фаолиятини кучайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Семинар программасида иш тажрибасини кенг кўламда ўртоқлашиш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

ЮКСАК МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИГА ЭРИШИЛАДИ

9 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. П. Анишчев раислигида Бутуниттифоқ ленинча коммунистик шанбалик ўтказувчи республика штабининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда Тошкент шаҳар партия комитети, Ўзбекистон ССР Енгил саноат ва Автомобиль транспорти министрликлари, Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси меҳнат байрамига қандай тайёргарлик кўраётганликлари тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Тошкент шаҳридаги заводларда, фабрикаларда, қурилишларда шанбаликка тайёргарлик асосан тугалланди. Конкрет иш ҳажмлари белгиланди, кўплаб хом ашё ва материаллар, энергия ресурслари тежаб қолинди. 20 апрель куни шу ресурслар ҳисобига анча маҳсулот ишлаб чиқарилади. Асосий ишчилар билан бир қаторда меҳнат ветеранлари, студентлар, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари станоклларда ишлайдилар. Минглаб студентлар, техникумларнинг, юқори синфларнинг ўқувчилари шаҳар майдонча ва кўчаларини ободонлаштириш билан шуғулланадилар, қурилишларда меҳнат қиладилар. Республика енгил саноатининг корхоналари шанбалик кунида бир неча миллион сўмлик газлама, кийим-кечак ва пойабзал ишлаб чиқарадилар.

Республика автомобилчилари ва темирйўлчилари «Қизил шанбалик»да ўртача юк ташиш ҳажмини анча ошириб адо этадилар, завод ва фабрикаларга хом ашё ва материалларни узлуксиз етказиб беришни таъминлайдилар, тайёр маҳсулотни ташийдилар.

Республика штабининг мажлисида корхоналар, қурилишлар ва транспорт ташкилотларининг раҳбарлари, жамоат ташкилотлари коммунистик шанбалик барча қатнашчиларининг энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишлари учун шарт-шароитларни таъминлашлари лозимлиги уқтириб ўтилди. Социалистик мусобақани, унинг ошкоралигини кенг ривожлантириш, ишчиларни оператив чиқариш тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Студентлар, ва ўқувчиларни жалб этиш учун иш кўламини олдиндан белгилаш, уларга асбоб-ускуналар ва зарур инвентарни тайёрлаш лозим.

(ЎзТАГ).

А. А. ГРОМИКОНИНГ АВСТРИЯГА ҚИЛАДИГАН САФАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико мустақил ва демократик Австрияни тиклаш тўғрисидаги давлат шартномаси имзоланганлигининг 30 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда қатнашмоқ учун Австрия Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан шу йил май ойининг ўрталарида Венага боради.

Тинчлик фонди кўпаймоқда

9 апрель куни Тошкентда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон Совет тинчлик фонди активининг зона семинари очилди. Семинарда қилинган ишлар якунланди ҳамда меҳнаткашларни тинчлик учун, ядро уруши хавфини тугатиш учун курашга сафарбар этиш вазифалари муҳокама қилинди. Совет тинчлик фонди правлениесининг ранси, шахмат бўйича жаҳон чемпиони А. Е. Карпов семинарни кириш нутқи сўзлаб очди.

Семинар қатнашчилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари асосида фаолият якунларини таҳлил этиб, Совет тинчлик фонди совет кишиларининг хоҳиш-иродасини ифодалаб, империалистик агрессия ва геноцитдан, табиий офатлардан азият чекканларга ёрдам бераётганлигини, ялпи ва батамом қуролсизланишга эришишга, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашаётганлигини таъкидладилар. Бу олижаноб ишга Ўзбекистон меҳнатчилари салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Республикада Совет тинчлик фондининг республика фонди, 13 та область, 250 та шаҳар ва район бўлими, саноат корхоналарида, ўқув юртларида, колхоз ва совхозларда олти мингтадан кўпроқ кўмаклашувчи комиссиялар ишлаб турибди. Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида Ўзбекистон ва бошқа қардош республикаларнинг меҳнат коллективларида тинчлик вахтаси, хотира вахтаси ўтказиш ва ишлаб топилган маблағни тинчлик фондига ўтказиш яхши анъана бўлиб қолганлиги уқтириб ўтилди.

Семинар қатнашчилари «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» ишлаб чиқариш тикув бирлашмасининг ишчилари билан учрашдилар. Бу ерда улар Совет тинчлик фондига кўмаклашувчи комиссиянинг иши билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚНИНГ СЎНМАС ЖАСОРАТИ

Фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният тарихнинг буюк снёсий воқеаси тариқасида нишонламоқда. Советлар мамлакатининг асрлар бўйи сўнмайдиган бу жасорати ҳозир алоҳида куч касб этмоқда: ер юзидаги барча халқлар учун Совет Иттифоқи тинчлик ва хавфсизликнинг энг асосий гарови бўлиб келди ва шундай бўлиб турибди.

9 апрель куни Москвада Совет Армиясининг Марказий уйида 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган илмий конференция очилди. Конференцияда таниқли совет ҳарбий бошлиқлари ва тарихчилари, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг олимлари, халқаро илмий бирлашмаларнинг вакиллари иштирок этмоқдалар. Уни СССР Фанлар академияси, СССР Мудофаа министрлиги, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг Бош снёсий бошқармаси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти ва Ижтимоий фанлар академияси уюштирган.

Конференцияни СССР Фанлар академиясининг президенти академик А. П. Александров очди. Иккинчи жаҳон уруши Европа, Осиё, Африка бўйлаб қора вабодек ўтди,—деди у.—У одамларга мислсиз азоб-уқубат ва мусибат келтирди. 50 миллиондан ортиқ киши ҳалок бўлди, беҳисоб моддий ва маданий бойликлар йўқ қилинди.

Олимнинг таклифига биноан, конференция қатнашчилари фашист босқинчиларга қарши курашда ҳалок бўлганлар хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

Гитлерчилар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллиги, деди сўзини давом эттириб СССР Фанлар академиясининг президенти, интернационал, халқаро байрамдир, чунки бу Ғалабага эришишга гитлеризмга қарши коалициядаги давлатларнинг халқлари катта ҳисса қўшдилар. Кўп мамлакатлар ҳарбий қўшилмаларининг, партизанлар армиялари ва отрядларининг жангчилари, Қаршилик ҳаракати ва фашизмга қарши яширин шароитда иш олиб борган ташкилотларнинг қатнашчилари фашист босқинчилар билан мардона жанг қилдилар. Биз конференцияга келган БХР, ВХР, ГДР, Куба, МХР, ПХР, РСР, ЧССР, ЮСФСР, ВСР, КХДР, Лаос делегацияларини самимий табриклаймиз. Биз Буюк Британия, Франция, АҚШ, Финляндия, Австрия, Ҳиндистон, Греция, ГФРдан келган олимлар ва жамоат арбоблари билан ҳам учрашишдан хурсандмиз.

КПСС Марказий Комитетининг илмий конференция қатнашчиларига йўллаган табрикномасини йиғилиш аҳли қарсаклар билан кутиб олди. Табрикномани КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин ўқиб эшиттирди.

«Правда» газетасининг бош редактори академик В. Г. Афанасьев Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти ҳақида ҳамда халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини сақлаб қолиш йўлидаги кураш тўғрисида доклад қилди. Улуғ Ватан уруши, деди у, Ватанимиз бошига тушган урушлар орасида энг кўп қон тўкилган, энг кўп вайронгарчилик келтирган ва айни вақтда энг одилона уруш бўлди,— деди у. Бу урушда ишчилар синфининг дунёда биринчи давлати яшаб қолдими ёки йўқми, — деган савол бенихоя ўткирлик билан ўртага қўйилди. Бу урушнинг олижаноб мақсадлари бутун совет халқини Ватанни ҳимоя қилишга отлантирди. Докладчи коммунистлар партиясининг етакчилик ролига батафсил тўхталиб ўтди. Ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг иттифоқининг, СССР халқлари дўстлиги ва қардошлигининг ҳаётбахш кучини кўрсатиб берди. Докладда Совет Иттифоқи ва унинг Қуролли Кучларининг фашистлар Германияси устидан қозонган Ғалабаси зўр жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга эканлиги очиб берилди.

СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали В. И. Петров фашистлар Германиясини тор-мор этишда Совет Армиясининг ҳал қилувчи роли ҳақида доклад қилди. У 1941 йил ёзида Европадаги ҳарбий-снёсий вазиятни, гитлерчилар қўмондонлигининг стратегик режаларини муфассал таҳрифлади. Фашистлар блокининг асосий зарбдор кучлари Совет—Германия фронтига жамланган эди. Халқларнинг тақдири, уруш ва тинчлик тақдири шу ерда ҳал қилинаётган эди. Улуғ Ватан уруши совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари учун қаттиқ синов бўлди, улар шу имтиҳондан шараф билан ўтдилар,— таъкидлади докладчи. Ватанимизнинг ҳозирги ҳимоячилари ўз Ватанининг шон-шарафи ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолган жангчилар қаҳрамон авлоди жанговар анъаналарининг муносиб ворислари ва давомчилари эканликларига совет кишиларининг ишончи комил бўлаверсин, деди нотиқ.

Ўтган урушнинг даҳшатли сабоқлари ғоят зўр даражада ҳушёр бўлиш, тинчлик душманларининг кирдикорларини сергаклик билан кузатиб туриш зарурлигини бизга эслатади.

СССР Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи, иқтисод фанлари доктори Л. М. Володарский «Улуғ Ватан уруши йилларида совет мамлакатининг ичкарисидаги ишлар» мавзуида доклад қилди. Ватанимизнинг улуғ жасоратини ҳозир баҳолаганда, совет халқи Ғалабасининг тарихий моҳиятига чуқурроқ кириб борганда биз, аввало, партиянинг доно снёсий, иқтисодий ва ҳарбий стратегиясига — империалист агрессорларнинг тарихдаги энг катта гуруҳини қонуний равишда мағлубиятга олиб келган стратегияга офарин айтамиз, деди у. Фашистлар Германиясининг хиёнаткорона ҳужуми совет экономикаси олдида турган вазифаларни мутлақо ўзгартириб юборди. Шу пайтдан бошлабоқ бутун мамлакатимиз ягона ҳарбий лагерга айланди. Советлар мамлакатининг ичкарисидаги миллион-миллион меҳнатчилар бутун кучларини Ғалабага бағишлаб, Ленининг: «Урушда кимнинг резерви кўп бўлса, кимнинг куч-қувват манбалари кўп бўлса, халқ орасидаги сабр-матонат кўпроқ бўлса, ўша томон ғалаба қозонади» деган сўзлари ҳақлигини бутун дунёга кўрсатдилар.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг директори академик А. Г. Егоров ўз докладида Улуғ Ватан урушида Коммунистик партиянинг совет халқи ғалабаси илҳомчиси ва ташкилотчиси сифатидаги ролини очиб берди. Ғалабага КПСС раҳбарлигида тинч даврдаёқ замин яратилган эди.

Докладчи КПССнинг уруш йилларидаги раҳбарлик фаолияти турли жиҳатларига батафсил тўхталиб, бу фаолият аввало снёсий вазифаларни ишлаб чиқишдан ва ўз вақтида ўртага қўйишдан ҳамда уларнинг снёсий воситалар билан бажарилишини ташкил этишдан, барча давлат ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратини, халқнинг бутун куч-ғайратини душманни тормор қилишга бирлаштиришдан иборат бўлганлигини уқтирди. КПСС фронт билан мамлакат ичкарисини, қуролли кураш билан экономикани, снёсат билан идеологияни бир бутун қилиб узвий боғлаб, мамлакатни жанговар лагерга айлантириш учун ҳамма ишни қилди.

Сўнгра конференцияда тематик секциялар ишлай бошлади. Совет ва чет эл олимларининг докладларида совет халқи тарихий Ғалабасининг турли жиҳатлари, унинг халқаро аҳамияти тасвирлаб берилмоқда.

Илмий конференция ишида КПСС Марказий Комитети Маъмурий органлар бўлимининг мудири Н. И. Савинкин ва КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. Г. Захаров қатнашмоқдалар.

(ТАСС).

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ФОТО КОНКУРС 85

ЧЎЛҚУВАР

Ҳозир республикамизнинг барча жойларида бўлгани каби Меҳнатобод районида ҳам дала ишлари авж олдириб юборилди. Юзлаб қалби олов чўлқуварлар қўриқ ерларни «оқ олтин» маконига айлантириш учун бор маҳоратлари, билим ва тажрибаларини ишга солиб чигитни ўз вақтида экиб олиш чораларини кўрмоқдалар. Улар орасида Фарғонадан қалб амри билан чўлга келган Ҳанифа Ёқубова ҳам бор.

— Мен Риштон районидаги Куйбишев номли колхозда саккиз йил бригада бошлиғи бўлиб ишладим, — дейди у. Бригадамизда «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштирганлигимиз туфайли, даромадимиз ортиб, фаровон турмуш кечирдик. Аммо, бизнинг шароитимизда ишчи кучи кўп. Ер оз. Қўриқ ерлар эса ўз эгасини кутиб ётибди. Шу сабабли чўлқуварлар сафига қўшилиб, қўриқ Меҳнатобод районидаги «Страна Советов» совхозига келдим. Бу ерда тўплаган тажрибаларимни ишга солиш ниятидаман.

Бу совхозда ҳам Ҳанифа Ёқубова бригада бошлиғи этиб тайинланди ва унга 80 гектар ер ажратиб берилди. У ишчи ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдан бошлади. Бригада аъзолари шўр ювишга алоҳида эътибор беришди. Икки маротаба шўр ювилгандан сўнг ерларга ўғит солиниб, бороналанди. Ҳозир катта-катта пайкалларда чигит экиш уюшқоқлик билан бошлаб юборилди.

Суратда: Ҳ. Ёқубова.

А. Тўраев фотоси.

СССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

В. И. Теребилов раислигида СССР Олий судининг навбатдаги пленуми бўлди.

Пленум 1984 йилги суд фаолиятининг энг муҳим якунларини чиқариб, судлар олдига КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил март Пленуми қарорларини бажариш вазифасини қўйди. Пленум, жумладан, бундан буён ҳам тартиб ўрнатиш, турмушимизни ёт ҳодисалардан, жамият ва унинг гражданларини манфаатларига қилинадиган ҳар қандай ҳамлалардан тозалаш, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан кескин чоралар кўрилаверади, деб таъкидлаган эди.

Пленум судларнинг зиммасига партиянинг бўлажак XXVII съездига тайёргарлик кўриш тартибида тегишли тадбирларни амалга ошириш вазифасини ҳам юклади.

Саноат корхоналаридан сифатсиз, стандартсиз ёки комплектсиз маҳсулот чиқарганлик учун, шунингдек бундай молларни савдо корхоналарида сотиш учун чиқарганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни судлар томонидан қўлланиш практикаси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Қабул қилинган қарорда тайёрловчи корхоналардан номуносиб сифатдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ҳам, уни сотишга, чиқариш учун ҳам қонунда кўзда тутилган жавобгарлик жорий қилиниши кераклигига судларнинг эътибори қаратилди.

Сифатсиз, стандартсиз ёки комплектсиз маҳсулот ишлаб чиқарилган тақдирда ишлаб чиқариш-техника маҳсулотини ёки халқ истеъмоли моллларини ишлаб чиқарадиган корхоналарнинггина эмас, шу билан бирга асбоб-ускуналарни, машиналарни, механизмларни саноат тарзида ремонт қиладиган корхоналарнинг ҳам директорлари, бош инженерлари ва қонунда кўзда тутилган бошқа мансабдор шахслари жавобгарликка тортилиши лозим. Атайлаб ҳам, эҳтиётсизлик орқасида ҳам қилинган айб учун мазкур шахслар жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Номуносиб сифатдаги маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши бошқа корхоналар етказиб берган сифатсиз хом ашёдан ёки комплектлаш буюмларидан фойдаланилганлиги билан оқланиши мумкин эмаслиги алоҳида таъкидланди. Шу муносабат билан судларга қайси корхоналар сифатсиз хом ашё ёки комплектлаш буюмлари етказиб берганини синчиклаб аниқлаш ва бунинг учун айбдор бўлган шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш таклиф қилинди.

Сотиш учун сифатсиз, стандартсиз ёки комплектсиз моллар чиқарилганлиги учун жавобгарлик бу моллар тайёрланган корхоналардан шу ҳолда юборилганми ёки магазинлар, савдо базалари, омборлар, секцияларда бузилганми, бундан қатъи назар, жавобгарликка тортилади. Шундай молларни савдога чиқаришнинг ўзи, улар харидорларга ҳақиқатда реализация қилинишидан қатъи назар, жиноий жазога лойиқ деб ҳисобланади.

Номуносиб сифатдаги моллар сотилиши муносабати билан вужудга келган низоларни ҳал этиш чоғида судлар шуни назарда тутишлари керакки, амалдаги қонунларга мувофиқ харидор ўртага қўйган қуйидаги талабларни: харид қилинган буюмни худди шундай муносиб сифатли буюм билан алмаштириб бериш; харид нархини тегишли равишда камайтириш; буюмнинг камчиликларини бепул тугатиш ёки унинг камчиликларини тугатиш учун харидорнинг ўзи қилган харажатларни қоплаш; олди-сотди шартномасини бекор қилиб, харидор кўрган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабларни қондиришга йўл қўйилади.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

(Боши биринчи бетда).

Чакана савдо корхоналари орқали сотиладиган буюмлар учун гарантия муддати белгиланган бўлса, сотувчи шу муддат мобайнида сотилган буюмнинг камчиликларини бепул тузатишга ёки уни муносиб сифатли мол билан алмаштиришга ёҳуд харидорга тўланган пулни қайтиб бериб, молни қайтариб олишга мажбур. Гарантия устахонаси ёки буюмни тайёрлаган корхона аниқланган муддатда тузатиб бермаган тақдирда ҳам буюмни алмаштириш ёки олди-сотди шартномасини бекор қилиб, уни сотувчига қайтариб беришни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келади. Башарти, сотилган буюмнинг конструктив ёки яширин ишлаб чиқариш камчиликлари гарантия муддати тугагунча аниқланган тақдирда харидор уни тайёрлаган корхонадан ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

Пленум сифатсиз қишлоқ хўжалик техникаси, ўғит ёки бошқа моддий техникавий воситалар етказиб берилиши, шунингдек тракторлар, автомашиналар, қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналари сифатсиз ремонт қилиниши орқасида колхозларга, колхозлараро ва давлат-колхоз корхоналарига етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларни ҳам ҳал этиб берди.

Жиноий ишларга оид бўлган ва қонуний кучга кирган суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқишни тартибга солувчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бундай қайта кўриб чиқиш қонунда кўзда тутилган шахсларнинг норозиликлари юзасидан область, ўлка, шаҳар судлари, автоном республикалар Олий судлари президиумлари, иттифоқдош республикалар Олий судларининг судлов коллегиялари, президиумлари ва пленумлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Назоратчи инстанция судларига қонунларни қўлланиш устидан назоратни кучайтириш, йўл қўйилган хатолар ва қонунни бузиш ҳолларига нисбатан қаттиқ чора кўриш, алоҳида ажримлар чиқариш йўли билан тегишли судлар, прокуратуралар ва тергов органларининг эътиборини мана шу ҳолатларга қаратиш таклиф қилинди.

Пленумда колхозлар, колхозлараро, давлат-колхоз корхоналари, ташкилотлар ва бирлашмалар иштирокида хўжалик шартномалари тузиш, уларни ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан вужудга келадиган низоларни ҳал этиш пайтида судлар томонидан қонунларни қўлланиш практикаси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Бундай ишларни кўриб чиқиш пайтида судлар пировард натижага эришига — зарур миқдордаги, турдаги ва юқори сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришга эришишда томонларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш зарурлигига асосланиб иш тутишлари кераклиги уқтириб ўтилди.

Эстония ССР судлари СССР Олий суди пленумининг «Ашаддий жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги қонунларнинг судлар томонидан қўлланиш практикаси тўғрисида»ги 1976 йил 25 июнь қарорини қандай бажараётганликлари тўғрисидаги докладлар контроллик тартибида тингланди.

Судларга такрорий жиноят тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда эҳтиёт тадбирларини ўтказиш чоғида ичкиликбозлик ва алкоголизмнинг олдини олиш, сурункали пияниларга нисбатан алкоголизмдан мажбурий даволаниш чораларини қўлланиш соҳасидаги барча ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришда ичкиликбозликнинг ва меҳнат интизомини бузиш ҳолларининг пайини қирқиш юзасидан ўз вақтида чора кўрмаган мансабдор шахслар йўл қўйган нуқсонларни тугатишга эришиш; балоғатга етмаганлар ичкиликбозликка жалб этилган ёки улар маст ҳолга келтирилган ҳар бир ҳолатда айбдор кишиларни белгиланган жавобгарликка тортиш тақлиф қилинди. Албатта меҳнатга жалб этиш шарти билан озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги қонунларни тузалиш йўлига ўтмаган кишиларга нисбатан асоссиз равишда қўлланиш фактларини соқит қилиш учун шу қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши устидан назоратни кучайтириш зарурлиги уқтириб ўтилди.

СССР Бош прокурорининг таклифига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси маъмуриятининг талабларига қасддан итоат қилмаганлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи қонунларни қўлланишнинг баъзи масалалари кўриб чиқилди. Судларга тегишли изоҳлар берилди.

Пленум СССР Олий суди раиси ва СССР Бош прокурорининг гражданлик ва жиноят ишларига оид норозиликларини ҳам кўриб чиқди. Шу норозиликлар юзасидан қабул қилинган қарорлар судларни гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бутун чоралар билан ҳимоя қилишга, социалистик мулкни ўғирлаш, қўшиб ёзиш, порахўрлик ва бошқа оғир жиноятларни тугатиш учун курашни кучайтиришга, меҳнат ва давлат интизоми тўғрисидаги қонунларга муттасил риоя этишга ундайди.

Пленум ишида СССР Бош прокурори А. М. Рекунков ва СССР юстиция министри Б. В. Кравцов иштирок этдилар.

ЖАҲОН АҲЛИ ЎЗ НАЖОТКОРИНИ ЁДДА ТУТАДИ

9 апрель куни СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида совет жамоатчилиги сионизмга қарши комитетининг матбуот конференцияси бўлди. Бу конференция Совет Армиясининг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги халоскорлик миссиясига ҳамда нацизмнинг қамоқ лагерлари ва геттоларда қирилиш хавфи остида турган тутқинлари халос этилганлигига бағишланди.

Совет Иттифоқи жаҳон халқларини фашизм вабосидан халос қилар экан, тарихда мислсиз инсонпарварлик намуналарини кўрсатди, деб таъкидлади комитет раиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-полковник Д. Драгунский ўзининг кириш нутқида. Гитлерчилар босқини йилларида бутун совет халқи фашизмга қарши шиддатли курашиб, ўзининг 20 миллион ўғил ва қизидан жудо бўлди. Совет Армияси одамларга озодлик ва умид бахш этди.

Матбуот конференциясининг қатнашчилари қамоқ лагерлари ва геттолар собиқ тутқинларининг нутқларини ҳаяжон билан тингладилар. Улар уруш йилларида бошдан кечирилган даҳшатларни, одамларнинг ваҳшиёна қийноқлар, очлик, заҳарланиш таъсирида ҳалок бўлганликларини эслатдилар. Освенцимнинг бир ўзида фашистлар 24 мамлакатнинг 4 миллиондан ортиқ одамини қириб ташладилар. Лагерда тирик одамлар—эркаклар, аёллар ва болалар устида «медицина» экспериментлари деган экспериментлар ўтказилди. Бу одамларнинг тақдири, айниқса даҳшатли бўлди.

Тутқинлар халоскор совет жангчилари келишини умид билан орзиқиб кутдилар. Освенцимнинг собиқ тутқинлари халқаро комитетининг вице-президенти И. Харина, Заксенхаузен собиқ тутқинлари халқаро комитетининг аъзоси М. Тилевич ва бошқалар шу ҳақда гапирдилар. Венгер тарихчиси И. Бенашовски нацистларнинг қўлида азоб чеккан пайтларини эслаб, совет солдатлари геттога қамаб қўйилган будапештлик 70 минг яҳудийни ҳалокатдан асраб қолганликларини айтиб берди.

Фашистларнинг қамоқ лагерлари ва геттоларини озод қилган қисмлар ва бўлинмаларнинг командирлари, халос этилган кишиларга ёрдам берган врачлар шу воқеаларда иштирок этиб кўрганкечирганларини эсга олдилар. Совет солдатлари бу жойларда кимлар борлигини сўраб ўтирмадилар, улар орасида французлар, руслар, яҳудийлар, украиналр ва немис коммунистлари бор эди, деб таъкидлашди Освенцимни озод қилган 60-армия полкининг собиқ командири Г. Елисаветский, генерал-майор И. Дудченко, истеъфодаги медицина хизмати подполковниги Н. Полянский. Совет жангчилари нацизмнинг барча тутқинларини — турли миллат намояндаларини озод қилишни ўз интернационал бурчи деб билдилар.

Оккупация қилинган территориялардаги шафқатсиз жабр-зулм шароитида совет кишилари ҳақиқий инсонпарварлик ва интернационализм намуналарини кўрсатганликларидан далолат берувчи ҳужжатли материаллар кўрсатилди. Улар қаётларини таҳлика остида қолдириб бўлса ҳам одамларни, шу жумладан яҳудий миллатига мансуб гражданларни муқаррар ўлимдан сақлаб қолган эдилар. Партизанларнинг собиқ командири, ёзувчи Ю. Колесников белорус партизанларининг операцияларидан бирини гапириб берди.

Гитлерчилар рейхи устидан қозонилган Ғалаба Европадаги кўпчилик мамлакатларнинг нацистлар томонидан ўлимга маҳкум этилган кўп миллионлаб гражданларини қирилиб кетишдан сақлаб қолди. Совет Иттифоқи Совет Армияси томонидан Буюк Британия, АҚШ, Франция, Бельгия, Голландия, бошқа давлатларнинг фашистлар қуллигидан халос этилган 818 мингга яқин гражданини ўз юртларига юборганини ҳам эсга олиш зарур.

Иккинчи жаҳон урушининг тарихий воқеаларини сохталаштириш юзасидан Ғарбда авж олдириб юборилган туҳмат кампаниясида актив қатнашаётган сионистлар пропагандаси ҳозир гўё фашистларнинг қамоқ лагерларида ва геттоларида азоб чекиб ётган кишиларни халос қилиш совет қўмондонлигининг режаларига кирмаган эди, деган ёлғон хабарни тарқатмоқда. Фактлар бу даъволарни рад қилади. Тарихни қалбакилаштираётган сионистлар фашизмга қарши курашдаги хизматларни ўзларимики қилиб олишни кўзлямоқдалар.

Матбуот конференциясида қатнашган профессор С. Зивс Тель-Авивдаги сионист ҳукмдорларнинг кўпол иғвогарлигига эътиборни жалб қилди. Бу иғвогарлик шундан иборатки, мазкур ҳукмдорлар совет халқининг гитлерчилар фашизми устидан қозонган Ғалабаси 40 йиллиги арафасида нацистлар қўлида ҳалок бўлган 6 миллион яҳудийга Исроил гражданлари статусини вафотидан кейин бермоқчи эканини эълон қилмоқчи бўлиб турибдилар.

Шундай қилиб, Совет Иттифоқи, Польша, Чехословакия, Германия, Венгрия, Бельгия, бошқа мамлакатларнинг ҳалок бўлган гражданлари сионист корчалонларнинг хоҳиши ва ғалати қилиғи билан Исроил гражданларига айланиб қолиши лозим эмиш. Яҳудий миллатига мансуб бўлган 200 минг совет жангчиси — солдати, офицери ва генерали ўз Совет Ватани учун фашизмга қарши жангларда жонларини фидо қилдилар. Сионистларнинг мунофиқлиги ҳақиқат ва адолатни азиз билувчи барча кишиларнинг ғазабли норозилигини қўзғамоқда.

ГФРдаги янги чиққан фашистларнинг фаолиятига бағишланган китоблар муаллифларидан бири — Ғарбий Германия публицисти Г. Биманн АҚШ махсус маҳкамалари нацист жиноятчиларга ҳомийлик қилаётганликлари тўғрисидаги фактларни айтиб берди. Шу кунларда америкаликлар собиқ эсэсчилардан ракета қуролини, шу жумладан «Першинг—2» ракеталарини ишлаб чиқаришда мутахассислар сифатида фойдаланаётганликларини кўрсатувчи мисолларни айтиб берди.

Совет юристи М. Крупкин сионистларнинг шу кунларда украин буржуа миллатчилари билан иттифоқ бўлиб олиб, нацизм гумашталарини ҳимоя қилишга биргаликда уринаётганликлари ҳақида гапирди.

Совет халқининг фашизм устидан қозонган Ғалабаси 40 йиллиги арафасида бу Ғалабага нақадар машаққат билан эришилганлигини унутмаслик керак. Тарих сабоқларини ҳам эсда тутиш лозим. Бу гап ҳозир инсониятга қарши жуда оғир жиноятлар қилаётган — Ливан ва Фаластин халқларини қираётган кимсаларга, она ерини тортиб олиш билангина чекланмасдан, инсоннинг энг муқаддас ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этишга уринаётган исроиллик босқинчиларга ҳам таллуқлидир. Америка империализмидан, жаҳон реакциясининг бошқа кучларидан мадад олаётган Тель-Авив Яқин Шарқда Фаластин масаласини «узил-кесил ҳал этиш» деб аталган сионистлар сиёсатининг бутун воситаларини намойиш этмоқда, нацист жиноятчиларнинг ғоявий йўл-йўриқлари ва усулларидан фойдаланмоқда.

Матбуот конференциясининг қатнашчилари Исроилнинг сиёсий йўлини ҳамда Совет Иттифоқига туҳмат қилишга, ўтган уруш йилларидаги ҳақиқий воқеаларни бузиб кўрсатишга, ўзларига алоқаси бўлмаган хизматларни даъво қилишга уринаётган сионист идеологларнинг иғвогарлик фаолиятини қораладилар. Фашизмга қарши курашнинг асосий оғирлигини ўз зиммасига олган Совет Армиясининг Ғалабаси халқларга орзиқиб кутилган озодлик бахш этганини жаҳон аҳли ёдда тутади.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Афғонистон Демократик Республикаси руҳонийлари намояндаларидан бир группаси Ўзбекистон ҳаёти билан танишди. Улар Самарқандга, Фарғона водийсидаги шаҳарларга бордилар, саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, ўқув юртларида бўлдилар. Афғонистон диндорлари Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасига бориб, узоқ суҳбатлашдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ТАЛАБЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVI ВА XIX ПЛЕНУМЛАРИ ҚЎЙИГАН ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИДА БЎЛАЙЛИК

ТАЛАБЧАНЛИК КУЧАЙТИРИЛСИН

Тошкент шаҳар партия комитети пленуми қатнашчиларининг кайфияти, кун тартибидаги масалага бўлган қизиқишлари ва алоҳида қатъиятлари уларнинг Коммунистик партия амалга ошираётган ленинча йўлни тўла қўллаб-қувватлаётганликларидан далолат бериб турарди. Коммунистлар муҳокама этилган масала—КПСС Марказий Комитетининг талаблари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленуми қарорлари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштиришда шаҳар партия ташкилоти олдида турган муҳим ва актуал вазифаларга алоҳида ишчанлик ва талабчанлик билан ёндашганликларининг боиси ҳам ана шунда эди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров доклади ва музокарага чиққан нотиқларнинг сўзларида ўз-ўзини танқид руҳи, чуқур таҳлил ва масалаларга ёндашишда ошкоралик, принципиаллик яққол сезилиб турди.

Шуни қониқиш билан таъкидлаш мумкинки, кейинги вақтда маънавий муҳитни соғломлаштириш, социал адолат принципларига оғишмай риоя этиш, коммунистик ахлоқ нормаларидан чекинишга қарши кураш активлашди. Шаҳар партия ташкилоти сафи маънавий тубан, ўз манфаати йўлида муккасидан кетадиган, лоқайд, пассив шахслардан тозаланди.

Аммо, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин ўтган муддат жиддий таҳлил қилиб кўрилса, кадрлар билан ишлаш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, юксак иш маромини йўлга қўйишда қатор камчиликлар мавжуд эканлиги яққол кўринади. Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръати пасайиб кетмоқда. Халқ хўжалик планларини барбод бераётган корхоналар сони кўплигича қолаётир. Резерв ва имкониятларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга сафарбар этиш, ишга ижодий ёндашиш талаб даражасида эмас. 1-пойабзал фабрикаси, фармацевтика заводи, 1-ғишт заводлари бошқармаси, «Ташхимсельмаш» заводи, тўқимачилик комбинатлари қолоқлик домидан чиқолмай қолдилар. Сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажм давом этмоқда. Бу фактлар ишлаб чиқариш командирлари — кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш ва тарбиялаш билан янада қатъий, мунтазам шуғулланиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Шаҳар партия комитети кейинги вақтда райком секретарларидан 6, район ижроия комитетларининг раислари ва раис ўринбосарларидан 7, корхоналар, қурилиш ташкилотлари раҳбарларидан 42 масъул ходимни вазифаларидан олиб ташлади. Шунисн ачинарлики, уларнинг аксарияти коммунист деган номга номуносиб иш қилганликлари, партия Устави қоидаларини назар-писанд қилмай қўйганликлари учун жазоландилар. Сергели район партия комитетининг собиқ иккинчи секретари Х. Абдуллаева, Чилонзор район ижроия комитетининг собиқ раиси Н. Деҳқонхўжаев, Ҳамза район партия комитетининг собиқ иккинчи секретари Г. Внучков, Фрунзе район ижроия комитетининг собиқ масъул секретари И. Грубэ ана шундай кишилар жумласиндир.

Назоратнинг бўшлиги, талабчанлик вазияти қарор топмаганлиги жойларда салбий ҳолатларнинг юз беришига, айрим маъзавий қашшоқ кишиларнинг тўғри йўлдан озишларига сабаб бўлди. Бош аптека бошқармаси партия ташкилоти секретари Х. Муҳитдинов билан шундай бўлди. Келишувчилик вазияти, коммунистларнинг лоқайдлиги унинг эгри ишларга қўл уришига имкон берди. Шахсий бойлик орттириш кетидан қуриб, савдогарлик йўлига кирди. Хизмат вазифасидан шахсий бойлик орттириш йўлида фойдаланди. Жисмоний тарбия институти проректори К. Тэн эса ўз мансабидан ғаразли мақсадларда фойдаланди.

Бундай кишилар қилмишларига яраша жазоланишлари маълум, албатта. Аммо ушбу ҳолатларга айрим район партия комитетлари ўз вақтида, холис, принципиал баҳо бермаётганликлари тажажжубланарлидир. Ютуқлар омили бўлган тартиб-интизомни мустаҳкамлашда тарбия мактаби — партия йиғилишларининг ролини ошириш, унинг ҳаётбахш таъсиридан фойдаланишга эътиборсизлик қилаётган ташкилотлар ҳам учраб турибди. Ҳамза, Чилонзор районларидаги бир қатор партия ташкилотларида ана шундай аҳвол юз берганлиги учун партия йиғилишларини қайтадан ўтказишга тўғри келди.

Тўғри, шаҳар партия комитети кадрлар билан ишлашда айрим таъсирчан тадбирларни амалга оширди. Бу борада партия ташкилотларининг роли ошиб бормоқда. Кишиларга берилган характеристикаларни муҳокама этиб тасдиқлаш, лавозимга тавсия этилган номзодлар партия йиғилишлари, меҳнат коллективлари йиғилишларида муҳокама этилмоқда. Сўнгги вақтда юзга яқин ходимни номенклатурага олишда ана шу таъсирчан усул қўлланилди. Бу ишчан муҳокама коммунистларга ўз характерларидаги камчиликларни бартараф этиш, ишдаги нуқсон ва хатоликларни тузатиш, интизомни кучайтириш, сиёсий билимни оширишга ёрдам беради, албатта.

Аммо ҳар қандай иш билан изчил, мунтазам шуғулланилмас экан, ундан кутилган натижани олиш қийин. Шаҳар миқёсида ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини интенсив ривожлантириш, йиллик план ва мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишини таъминлашга оид кўплаб ташаббуслар кўтарилди. Корхоналар ўртасида ўзаро меҳнат беллашуви ҳақида мусобақа шартлари келишилади-ю, унинг ижроси устидан етарли назорат ўрнатилмайди. Ҳамон сўз ва иш бирлигида узилишларга, масъулиятсизлик ва пала-партишликларга йўл қўйилмоқда.

Музокарада сўзга чиққан Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати бошлиғи Э. Рустамов, Тошкент давлат университети партия комитетининг секретари В. Скворцов, Акмал Икромов район партия комитетининг иккинчи секретари В. Ардатов ва бошқа нотиқлар шаҳар партия комитети фаолиятини кучайтиришга, раҳбарлик услубини янада такомиллаштиришга оид конкрет таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

— Ягона сиёсий кунлар, — деди граждан авиациясига қарашли 243-завод мастери Е. Котов, — меҳнаткашлар билан жонли мулоқот бўлиб, омма билан алоқани мустаҳкамлашга, маънавий муҳитни соғломлаштиришни чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда. Бу учрашувларда завод ишчилари корхона истиқболи, меҳнат шароитини яхшилашга оид мулоҳазалари билан ўртоқлашмоқдалар. Учрашувга келган раҳбарларнинг фикрларини бериб тинглаб, катта қониқиш ҳосил қилмоқдалар. Аммо берилган саволларга ҳар доим ҳам мукаммал жавоб олинаётирми? Шу йилнинг январь ва февраль ойларидаги ягона сиёсий кунларда ҳам кўплаб саволлар берилган эди. Аммо учрашувга келган шаҳар партия комитети ва ижроия комитетининг масъул ходимлари ишчиларнинг бирорта ҳам сўровларига қониқарли жавоб беролмадилар. Шаҳар партия комитети ва бюроси ушбу сиёсий докладчиларнинг интизомсизлигига принципиал баҳо бериши керак деб ҳисоблайман.

Хотин-қиз кадрларни тарбиялаш ва масъул лавозимларга тавсия этиш актуал масаладир. Бу соҳада бир оз силжиш рўй бергани билан ҳамон қониқарсиз аҳвол ҳукм сураётир. Кўпгина партия комитетлари хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига истар-истамас тавсия этадилар. Уларни тарбиялаш, камолотга етказиш ҳақида ғамхўрлик кўрсатмайдилар.

Айрим районларнинг раҳбарлари орасида хотин-қизларнинг камайиб кетаётганлиги билан келишиш мумкинми? Ҳолбуки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумларида хўжалик ва маданий қурилишнинг барча участкаларида улар муносиб ўрин эгаллашлари лозимлиги таъкидланган эди. Бу соҳада айниқса, Киров, Собир Раҳимов районларида қониқарсиз аҳвол давом этмоқда. Район партия комитетларининг бу борада ташкилотчилик ишини кучайтириш лозим. Бу бугунги куннинг муҳим талабидир.

Социалистик жамиятимизни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири давлат, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдан иборатдир. Хўш, бу соҳада эришилган натижалардан қониқса бўладими? Албатта, йўқ. Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси С. Иванова, Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари О. Асқаров, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Бобоевлар пленум қатнашчилари эътиборини ана шу муҳим масалаларга қаратдилар. Бу ишда баъзи партия ташкилотлари бепарволик кўрсатмоқдалар.

Кадрларнинг ғоявий эътиқодини шакллантириш, сиёсий савиясини ошириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Партия ўқуви ва иқтисодий таълим, марксизм-ленинизм кечки университети машғулотларини такомиллаштириш, кадрлар ўқувининг турли усул ва услубларидан оқилона фойдаланиш энг зарур вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу раҳбар кадрларнинг сифат составини яхшилаш, юксак талабчанлик руҳида тарбиялаш, Коммунистик партия ўртага қўяётган олий мақсадларга эришишнинг муҳим шартидир.

Пленум қабул қилган қарорда барча партия ташкилотлари кадрлар масаласи билан изчил шуғулланишни таъминлаш, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳини кучайтириш, кадрларга нисбатан талабчанликни қарор топтириш лозимлиги таъкидланди. Шаҳар партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашларнинг кучайратини шу куннинг энг муҳим вазифаларини муваффақиятли бажаришга йўналтириб, КПСС XXVII съездини хўжалик ва маданий қурилишда катта меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олинишини таъминлайдилар деб ишонч билдирилди.

С. МУҲИДДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Ахлоқ-одоб ва маънавий тарбия тўғрисида

«К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин. Ахлоқ-одоб ва маънавий тарбия тўғрисида» тўплами чиқди. Тўпламга марксизм-ленинизм классиклари асарларидан парчалар, ахлоқ-одоб проблемасига оид уларнинг назарий меросини акс эттирувчи фикр-мулоҳазалари киритилган. Бу фикр-мулоҳазалар ахлоқ-одоб тўғрисидаги марксча-ленинча назариянинг умумий масалаларига, ахлоқ моҳиятини, унинг социал ролини белгилашга таллуқли бўлиб, уларда ахлоқ-одоб ва этикани ривожлантириш тарихи масалалари тўғрисида гап боради, капиталистик формациягача бўлган даврдаги ахлоқийлик ва, айниқса, буржуа жамиятининг маънавий принциплари ва ахлоқига характеристика берилади.

Бўлимлардан бири коммунистик ахлоқийликка, унинг принципларига ва нормаларини очиб беришга, социалистик жамиятда маънавий тарбия проблемаларига бағишланган.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

В. И. Ленин маданият тўғрисида

«В. И. Ленин маданият тўғрисида» тўплами босмадан чиқди. Ушбу иккинчи, тўлдирилган нашрга В. И. Ленин асарларидаги маданият тарихи ва назарияси, социалистик маданиятни қарор топтириш ва ривожлантириш масалаларига таллуқли парчалар киритилган. Китобда Ленининг мамлакатимизда маданий қурилиш соҳасидаги кўп қиррали фаолиятини акс эттирувчи материаллар (декретлар, қарорлар, замондошларининг эсдаликлари) ҳам берилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарди.

(ТАСС).

СССРнинг ХОЛИС НИЯТИ

Чет эллардаги оммавий ахборот воситалари, турли мамлакатларнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари М. С. Горбачевнинг «Правда» газетаси редактори билан қилган суҳбатини Совет Иттифоқи холис ниятининг, у ҳалол мулоқотга ва дунёдаги кескинликни юмшата оладиган, қуролланиш пойгаси йўлини тўсишга ёрдам берадиган реалистик қарорларга келиш йўлларини излашга астойдил интилаётганлигининг ёрқин намойиши, деб таърифламоқдалар. Кўпдан кўп шарҳларда Совет— Америка муносабатларини яхшилаш ва умумий халқаро вазиятни соғломлаштириш учун мавжуд бўлган имкониятларни бой бермаслик керак, деб уқтирилади.

М. С. Горбачевнинг ҳозирги мураккаб халқаро вазиятга ва Совет— Америка муносабатларига берган баҳоси АҚШ оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди. Совет раҳбарининг суҳбати СССРнинг олий даражада учрашув ўтказишга ижобий муносабати далилидир, деб хабар қилади Эн-Би-Си телекомпанияси. «Совет Иттифоқи ошкора ва ҳалол мулоқот ўтказиш тарафдори эканини билдириб АҚШни иккала давлат душманчиликка эмас, балки ўзаро ҳамжиҳатлик йўлларини излашга ва муносабатларни ривожлантиришга интилаётганликларини бутун дунёга кўрсатишни назарда тутиб иш олиб бориш-га чақирмоқда», — деб уқтиради Си-Би-Эс телекомпанияси.

Женева музокараларидаги Америка делегациясининг собиқ бошлиғи **П. Уорнкенинг** уқтиришича, Совет Иттифоқининг қарори — ҳозирги халқаро иқлимни яхшилаш учун муайян қадамлар қўйишга тайёрликнинг нишонасидир.

Вашингтондан хабар қилишларича, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Р. Макфарлейн дам олаётган президент Р. Рейганга М. С. Горбачев суҳбатининг мазмунини етказган. Шундан кейин ўтказилган матбуот конференциясида Оқ уйнинг вакили Спикс: «Биз КПСС Марказий Комитети Бош секретари айтган гапларни ўрганиб чиқамиз ва бу гапларга зўр эътибор билан қараймиз», деб айтди. Айни вақтда Спикс Европада СССРнинг ўртача олисликка учириладиган воситаси соҳасида гўё «устунликка» эга эканлиги тўғрисидаги асоссиз даъволарни такрорлаб, АҚШ маъмурияти Совет Иттифоқидан ўрнак олмоқчи эмас ва Европа қитъасида ўзининг ўртача олисликка учириладиган ракеталарини жойлаштиришни тўхтатмоқчи эмас, деб шама қилиб ўтди. Совет Иттифоқи ўртача олисликка учириладиган ракеталарни жойлаштиришни тўхтатиб қўйиши «АҚШнинг Европада «Першинг-2» ва қанотли ракеталарни жойлаштириш режаларига таъсир қилмайди, бу иш давом эттирилаверади», деди у. Шу тариқа АҚШ маъмурияти қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида музокараларни бошлаб, аслида бу қурол-яроғларни янада кўпайтиришга интилаётганини тасдиқлади.

(ТАСС).

Мактаб ислоҳоти—умумхалқ иши

ИЛК ОДИМЛАР

ТОШКЕНТ АСБОБСОЗЛИК ЗАВОДИ МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВИНИНГ МАКТАБ ИСЛОҲОТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИДАН

— Шаҳарлик ўқувчининг меҳнат коллективи, замонавий ишлаб чиқариш ҳақидаги тасаввури яқин-яқингача китоб ва кино орқали билганлари-ю, корхонада экскурсияда бўлганида кўрганларидан нарига ўтмасди. Халқ хўжалиги учун керакли маҳсулотлар, истеъмол буюмлари чиқараётган завод ёки фабрикага бу йўсинда борганда нима ҳам эсда қоларди. Ахир, кўриш бошқа-ю, кичкинагина мурватни ўз қўлинг билан бунёдга келтириш бошқа. Ислоҳот таълим-тарбия бобидаги ана шу тафовутни тугатиш, ўқувчиларнинг меҳнат таълими, уларни касбга йўналтириш ишларини янги босқичга кўтариш вазифасини қўйди. Биз ҳам бу ишга баҳоли қудрат, деганларидек ҳисса қўшмоқдамиз.

«Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» талаблари асосида нималар қилинганлиги ҳақидаги саволимизга Тошкент асбобсозлик заводи директори М. Галяутдинов ислоҳот амал қила бошлаганидан буён ўтган бир йил ичида қилинган ишлар ҳақида ана шундай, муфассал жавоб берди. Бу йўлдаги қийинчиликлар, проблема ва режаларга тўхталди. Ўқувчилар учун заводнинг ўзида иш участкаси, Киров район мактабларароҳ ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида эса ўқув цехи барпо этилганини айтди.

...Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 13-цех. Ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали, серунум меҳнат жараёнида қатнашувига мослаштирилган цех участкаси мактаб устахонасини эслатади. Стендларда олти мактабнинг саккизинчи синф ўқувчилари ҳафтанинг қайси куни ишлаши кўриниб турибди. Улар бригадаларга уюшган бўлиб, бу ерда ҳар бирининг иш жойи, кунлик, ҳафталик ва ойлик топшириқлари ҳамда мураббийлар номи ёзиб қўйилган.

— Тўғри, цехимизнинг мактаб формасидаги «ишчилари» айрим топшириқларни катталар билан биргаликда бажаришади, — дейди цех бошлиғи О. Мадраимов. — Шу сабабли улар бажарадиган иш хилма-хил бўлишига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Болаларга мураббийлик қилиш учун Ризо Исмоилов, Ваҳоб Ғуломов, Нури Осмонов, Шодия Ёқубова, Насиба Собирова сингари тажрибали ишчи ва мастерларни бириктиб қўйганлигимиз сабаби ҳам шу. Натижалар ҳақида эса ҳозирча бир нарса дейишга эрта. Аммо меҳнат таълимини йўлга қўйишнинг бу формаси ўзини оқлаш турган гап.

Киров район мактабларароҳ ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида заводнинг 30 ўқувчига мўлжалланган ўқув цехи ташкил этилган. Касбга йўналтириш кабинети мудири С. Алихўжаев завод йўлланмаси билан ўша ерда ишлаб чиқариш таълими мастери бўлиб ишламоқда. Комбинатда 9-10-синф ўқувчилари асосий цехлар учун маҳсулотларнинг заготовкаларини тайёрлашмоқда, унча мураккаб бўлмаган деталлар ишлаб чиқаришмоқда.

Асбобсозлик заводи базавий корхона сифатида ўқувчиларга меҳнат таълими беришни, уларни касб танлашга ўргатишни яхшироқ йўлга қўйиш мақсадида 117-, 58-, 87-мактаблар ҳамда мактабларароҳ ўқув-ишлаб чиқариш комбинати билан ҳамжиҳатлик шартномаси тузган. Меҳнат таълими бериш учун зарур шароит яратиш мақсадида асбоб-ускуналар, иш жойи, малакали кадрлар, хом ашё ва материаллар ажратиш юзасидан керакли ҳамма тадбирларни амалга оширмоқда. Айни чоғда меҳнат коллективи педагогика коллективларига ўқувчиларнинг ғоявий-сиёсий, иқтисодий ва ахлоқий тарбиясига оид ишлар савиясини кўтаришда, синфдан ташқари жамики тадбирларда яқиндан ёрдам бермоқда. Завод вакиллари мактаблардаги ота-оналар комитетлари ишида, касбга йўналтириш ишларини йўлга қўйишда қатнашмоқда. Мактаб фан кабинетлари, лаборатория ва устахоналарини ремонт қилиш ва керакли асбоб-анжомлар билан жиҳозлашда кўмаклашмоқда.

Ишларга таълим ва тарбия бериш, уларни катта ҳаётга тайёрлашда педагогика коллективлари билан меҳнат коллективларининг ҳамкорлиги келгусида янада кучаяди. Болалар мактабларароҳ ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида, бевосита заводда социалистик мусобақа, бригада пудрати, кундалик ишда омилкор бўлиш, янгилик излаш, ихтирочилик юзасидан сабоқ олмоқдалар. Шу зайл таълим ва тарбия бирлигига тобора кўпроқ даражада эришилмоқда, ислоҳот режалари ҳаётга янада активроқ татбиқ этилмоқда.

Р. ҚОСИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

БИЗ—ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРМИЗ

БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК

«Ҳурмат Белгиси» орденли Ғиждувон пахта тозалаш заводи коллективи КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми ҳужжатларни ва материалларини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар.

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев таъкидлаганидек, йилни барча соҳаларда муваффақиятли якунлаш ва бу билан келгуси беш йилликни дадил бошлаш учун мустаҳкам замин яратишимиз керак, — дейди ўттиз йилдан буён шу корхонада бригада бошлиғи бўлиб ишлаб келаётган Бобоқул Рустамов.

Б. Рустамов бригадаси — интернационал коллектив. Бу ерда турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳиллиқда ишлаб, планларини муттасил ошириб бажариб келяптилар. Бригада коллективи ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида 20 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб, тежалган материаллар ҳисобига икки кун зарбдорчасига меҳнат қилиб, планга қўшимча 150 тонна тола, 10 тонна момиқ ишлаб чиқармоқчи.

Интернационал бригада аъзолари кунлик маҳсулот ишлаб чиқариш планини 110—115 процент бажариб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Бу ерда вақтдан ўзиб ишлаётганлар орасида айниқса, ёшлар кўп. Тола пресссловчи Ғаффор Ғафуров, тола ажратувчи Маннон Ваҳобов, момиқ ажратувчи Соня Муродова, пахта тозаловчи Самандар Шодиев, асбоб-ускуналарни созловчилар Равшан Азимов, Қурбон Исломов кўпчиликка ўрнак бўляптилар.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилаётган шу кунларда корхонада ташаббускор бригадалар сони тобора ортиб бормоқда. Коммунистлардан Мурод Қиличев, Мамашариф Ширинов, Абдумалик Ҳасановлар етакчилик қилаётган бригадаларнинг аъзолари «40 йилликка 40 зарбдор ҳафта» ватанпарварлик ҳаракатида фаол қатнашиб, аъло сифатли тола ва момиқ ишлаб чиқаришяпти.

Т. МАҚСУДОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

СТАХАНОВЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

САДОҚАТ

• Шонли санага муносиб ҳозирлик
• Хайрли ҳаракат давом этаётир
• Йилни муваффақиятли якунлашга аҳд қилганлар

— Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига қандай тайёрланяпмиз?— деди «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ангрендаги 9-шахтаси директори А. Мусажонов ва изоҳ берди. —Бу шонли санага тайёргарликни биз ўтган йилиёқ бошлагандик.

Шундан сўнг Аҳмаджон Зокирович ангренлик кўмир қазиб чиқарувчилар томонидан шахта қурилиши бошланган дастлабки кунларда, кейин эса кўмир қазиб олина бошлагач, қизғин қўллаб-қувватланган бу ҳаракат ҳозир ҳам давом этиб келаётганини эслатиб ўтди.

— 1940 йилда биринчи шахта қурилишида кўплаб ишчиларимиз юқори унумли меҳнат билан ўрнак кўрсатишганди, — деди у. — Улар орасида Ўзбекистон кончиларига ёрдам кўрсатиш учун мамлакатимизнинг турли кўмир ҳавзаларидан келган С. Богомазов, М. Снопок, Ф. Мариничев каби тажрибали ишчилар бор эди. Ангрен шахтасида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган стахановчилик ҳаракати анъанасини ана шу кишилар давом эттиришди.

Ҳа, Ангренда кўмир қазиб чиқарилаётганига қирқ йилдан ошди. Бир қанча шахталарга асос солинди. Шулардан бири 9-шахтадир. Бу ерда қанчадан-қанча кишилар меҳнат қилишган. Айримлари дам олишга — пенсияга чиқишди. Улар ўрнини бошқалар эгаллашди.

Шахтада фақат бир нарса, яъни зарбдор меҳнат ўзгармай қолди. Ў ҳозир ҳам кончиларнинг диққат марказида. Илғорлар орасида Ангрен кўмир кони кашшофлари сифатида ном қозонган ишчилар талайгина. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турғун Ҳасанов, Ленин ордени нишондори Абдураҳмон Маматов, ташаббускор Валентина Жарковаларнинг номи бугунги кунда кўпчиликка яхши таниш.

9-шахта ишчилари йил сайин кўмир қазиб чиқариш топшириқларини ошириб бажаришга эришмоқдалар. 1984 йил ҳам мустасно бўлмади. Кончилар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақага қўшилиб, бутун йил давомида графикдан ўзиб меҳнат қилдилар. 534,4 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди. Шунинг 24,4 минг тоннаси планга қўшимча қазиб олинди. Пландан ташқари 337 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу эса мажбуриятга кўзда тутилганидан бир неча марта кўпдир.

1983 йилга нисбатан кўмир қазиб олиш ҳажми 4,3 процент, маҳсулот реализация қилиш 4,5 процент ортди. Меҳнат унумдорлигини пландан ташқари ўстириш ва планга нисбатан маҳсулот таннархини анча камайтиришга эришилди.

Кончилар кўмир қатламларини маҳкамлаш учун ишлатиладиган ёғоч-тахтани иқтисод қилишга ҳам алоҳида эътибор беришяпти. Амалдаги нормаларга кўра, қазиб олинадиган 1000 тонна кўмир ҳисобига 33,64 кубометр ёғоч-тахта сарфланиши керак. Шахтада эса 33,17 кубометр сарфланмоқда. Бундай қараганда, тежаб қолинган материаллар миқдори унчалик кўп эмас. Бироқ бир йилда қазиб олинган умумий ёқилғи миқдорини назарда тутсак, 200 кубометр ёғоч-тахта тежаб қолинганлигининг гувоҳи бўламиз.

Кўмир қатламларини маҳкамлаш ҳужжатига кўра, ёғоч-тахта белгиланган нормага аниқ риоя этилган ҳолда сарфланиши лозим. Шу жиҳатдан олганда, уни иқтисод қилиш анча мушкул экани равшанлашади. Кончилар устунларни қайта қўлланиш эвазига бунга эришяптилар.

Ўтган йили меҳнатда эришган ютуқлари учун 9-шахта коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг эсдалик Қизил байроғи ва дипломи билан тақдирланди. Юбилей Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган кончилар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Ҳасанов, тозалаш забойи кон ишчилари В. Аврамчук, К. Қурбонов ва Н. Басаргин, шахта транспорт участкаси ишчиси В. Жаркова, бригадирлардан А. Маматов, М. Садетов, кўмир қатламлари маҳкамловчиси Р. Тўхтаҳўжаевларнинг номларини учратиш мумкин.

Юксак мукофотдан руҳланган шахта кончилари ўн биринчи беш йиллик якунловчи йили плани ва социалистик мажбуриятларини бажаришга алоҳида куч-ғайрат билан киришдилар. Шахтада ўтказилган ташкилий тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, ягона рельсли учта ер ости йўли монтаж қилиниб, фойдаланишга топширилди. Улар ёрдамида забойларга қатор материаллар ва конструкцияларни элтиб бериш анча осонлашди.

Биринчи квартал иш якунлари кончиларнинг 1985 йил учун белгиланган барча топшириқларни барвақт адо этишга азму қарор қилганликларини кўрсатиб турибди.

М. Савичев раҳбарлик қилаётган 2-участка кончиларининг ишлари ҳам диққатга сазовор. Коллектив доимо муайян қийинчиликларни юзага келтирувчи жараён — янги кўмир қатламига кўчишга тайёргарлик кўраётганига қарамай, планини ошириб бажаряпти.

Шахтанинг шонли анъанага содиқ кончилари иш суръатини кун сайин оширмоқдалар. Улар стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилишган.

А. КОСТИЧЕВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

БАХТИЁР ХОНАДОН

НАВОИЙ ОБЛАСТИ. Мария Андреевна Теслинюк Конимех районидаги «Конимех» наслчилик заводида бош чўпон бўлиб ишлайди. У ўз отаридаги 720 совлиқнинг ҳар юз бошидан 115 тадан қўзи олишга муваффақ бўляпти.

Мария Челябинскда туғилган. Уруш оқибатида отаонасидан ажралган қизалоқ Бухородаги болалар уйида тарбияланди. Меҳнат фаолиятини болалар боғчасида тарбиячиликдан бошлади. У чўпон йигит Бердибек Асилбоевга турмушга чиқди. Чорвачилик касби Марияга ҳам маъқул келди. Мана, кўп йилдирки, у чўпонлик қилиб, чорвачиликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётир. Тажрибали бош чўпоннинг меҳнати муносиб тақдирланган. У «Ҳурмат Белгиси» ва III даража Меҳнат Шуҳрати орденлари билан мукофотланган.

Мария Теслинюк — қаҳрамон она. У ўн икки фарзандини замонамизга муносиб кишилар қилиб тарбиялямоқда. Катта қизи Ансар «Госкомсельхозтехника» Конимех район бирлашмасида ишлайди. Ўғиллари Аллаберген ва Жапарберген чўпон-онаси билан бирга меҳнат қилади.

Пири-бадавлат онла аъзолари тўкин дастурхон атрофига йиғилганда бамисоли байрам бўлиб кетади. Бу бахтиёр хонадонга тез-тез меҳмонлар келиб туришади. ЎзТАГ фотомухбирлари А. Усмонов ва Б. Юсуповлар олган бу суратда Мария Андреевна «Конимех» наслчилик заводи оқсоқоллари билан суҳбатлашаётган пайт акс эттирилган.

ҲИММАТ

«Мураккаб халқаро вазиятда Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини ҳар қачонгидан ҳам юксак даражада сақлаш муҳимдир», деди ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида сўзлаган нутқида. Чортоқ районининг меҳнаткашлари партиянинг тинчликсевар ташқи сиёсатини тўла маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар.

Яқинда «Октябрь» колхози аъзоси, Қаҳрамон она Ҳалима Убайдуллаева бир кунлик иш ҳақини Совет Тинчлик фондига ўтказишга аҳд қилди. Районда унинг даъватига қўшилганлар сафи тобора кенгаймоқда. Масалан, механизатор Пўлатбой Мирзаев ишлаб чиқариш йиғилишларининг бирида механизаторларга: «Бир кунлик иш ҳақимизни Тинчлик фондига ўтказайлик», — деган таклифни айтди. Бу фикрни ўттиз олти нафар механизатор қўллаб-қувватлади.

Шунингдек, Чортоқ пахта тозалаш заводининг ишчиси, олти нафар фарзанднинг онаси Санобар Турсунова, «Москва» колхозидан Муборакхон Убаева, «Чортоқ» совхозидаги Давлатали Акбаров бошлиқ бригаданинг ўн беш нафар ишчиси ҳам бир кунлик ишлаб топган ҳақини Совет тинчлик фондига топширдилар.

Тинчлик фондига тикувчилик фабрикаси чеварлари беш юз сўм, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози ишчи ва хизматчилари минг сўм, «Москва» колхози аъзолари эса 1500 сўмдан ортиқ ҳисса қўшдилар.

Чортоқ районининг меҳнаткашларининг Совет тинчлик фондига ўтказган маблағлари ҳозиргача 22 минг сўмдан ошиб кетди.

М. ТОЖИДДИНОВ,
Наманган области.

УСТОЗЛИК КАЛОМИ

Атрофимизда яхши одамлар кўп. Улар ён-атрофларига сезгирлик ва эътибор билан қарайдилар, устоз ва шогирдларини ҳеч қачон унутмайдилар. Буни Қарши даштида меҳнат қилаётган кўп йиллик иш тажрибамдан яхши биламан.

Менинг ҳам кўплаб шогирдларим бор. Ана шулардан бири Муродулла Элбеков билан тез-тез учрашиб тураман. У олтмишинчи йилларда бригадамизга келиб ишлаб, қурувчилик касбини ўрганганди. Ҳозир у 4-механизациялашган кўчма колоннада бетончилар бригадасига бошчилик қилмоқда. Малакаси етарли, коллективда обрў-эътиборли. Шунга қарамай, мен билан мулоқотда бўлганда қурилиш сирларини тортинмай сўрайди. Меҳнатни ягона наряд асосида ташкил этиш ҳақида баъзан баҳслашиб ҳам қоламиз.

Кўча-кўйда, қурилиш майдонларида тез-тез шогирдларимга, бир вақтлар беллашиб ишлаган ҳамкасб дўстларимга дуч келаман. Уларнинг бири қурилиш трести бошқарувчиси, бири кўчма колонна бошлиғи, яна бири участкага раҳбар. Кўришганда хол-аҳвол сўрашамиз. Баъзан улар ўз бригадаларига таклиф қилишади. Жонжон деб рози бўламан, уларнинг ишлари билан атрофлича танишиб, камчилик ва нуқсонларини кўрсатаман.

Шу жиҳатдан мураббийлик ҳаракатини ўқув-тажриба мактабига қиёс қилгим келади. Фақат тажрибали қурувчи ишбилармон шогирд тарбиялаб етиштира олади. Кишига амалий билимнинг ўзи кифоя қилмайди. Сафимизга келаётган ёшларга ҳам талаб шу: ўқинг, малакангизни оширинг, дейман. Аввало уларни тажрибали қурувчиларга биркитиб қўяман. Техникум ва институтларда сиртдан ўқишига ёрдам бераман. Чунки коллективнинг келажаги бугунги шогирдлар қўлида бўлишини биз, мураббийлар сира унутмаслигимиз керак.

КОЛЛЕКТИВ ВА ШАХС

Яқинда шогирдим Муродулла Элбеков билан яна учрашиб қолдим. У негадир хафа кўринди.

— Тинчликми? — сўрадим ундан.

— Э, нимасини айтасиз, ўзимни қойиб ўтирибман, — деди у. — «Промжилстрой» трестининг 3-механизациялашган кўчма колоннасида бир шогирдим бригада бошлиғи бўлиб ишларди. Ўзи яхши ташкилотчи, камсуқум, бинокорлик касбини пухта ўзлаштириб олганлигига ҳавасим келарди. Политехника институтини сиртдан ўқиб битирганди ҳам. Шу боисдан уни чўлдаги кўчма колоннага бошлиқ этиб тайинлашган экан. Дастлаб ёмон ишламабди. Минбарлардан мақташибди. Бироқ билмадим, ютуқлардан эсанкираганми, негадир манманликка берилибди. Қўл остидагиларга ғамхўрликни унутибди, уларга нисбатан бюрократларча муносабатда бўлибди. Куни кеча эшитсам, уни вазифасидан четлаштиришибди. Ўзгарганини одамлар ҳам айтишганди. Лекин вақтида унга камчиликларини юзига солиб айтганимда, эҳтимол, шунчаликка бормасмиди?!

Буни эшитиб, шогирдига эмас, Муродулланинг ўзига ачиниб кетдим. Чунки устоз меҳнати самарасиз кетди. Бундай тоифадаги кишиларни мен ҳам ҳаётда кўп учратганман. Кўпроқ ўзини ўйлайдиган шуҳратпараст одамлар коллективга бош бўлиб, обрў ололмайди.

Кўз олдимда бригадам аъзолари гавдаланади. Ёшларнинг ишга муносабати, уларнинг шахсий ҳаётдаги ютуқ ва камчиликлари, ахлоқини синчковлик билан кузатаман ва ягона хулосага келаман.

Аҳил коллективимизда ҳам устозга ҳурматини яхши ахлоқи ва меҳнатдаги ғайрати билан бажо келтираётган Шариф Бердиев, Ориф Жўраев, Ҳушназар Ойназаров, Очил Равшанов каби ёшлар кўп. Улар турли касб эгалари. Бир-бирларига ғамхўр устоз ва шогирд. Бригадада ялқов ва ичкиликка берилганлар йўқ.

Бунёдкорларимизнинг ғайрат ва шижоати туфайли бригадамиз зиммадаги топшириқни икки ҳиссага етказиб бажармоқда. Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги байрамигача икки беш йиллик маррадан ўзиб кетамиз.

Бригадада ҳар бир қурувчи «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» шиорига қатъий риоя қилади. Уларга таяниб жамоат ишларида ҳам қатнашаман. Обком бюроси аъзосиман. Ишда жиддий хатога йўл қўйган айрим лавозимли кишиларнинг шахсий масаласи кўрилаётган бюро мажлисларида қатнашар эканман, чуқур ўйга толаман. Нақотки, баъзи раҳбарлар юксак ишончни сохта шуҳратга алмашади? Кўзбўямачилик, ошириб ёзишлар, партия, давлат, меҳнат интизомини бузишга нима мажбур қилди уларни? Ўзим жавоб топаман: «Шуҳратпарастлик».

Бригадамизда катта ҳаёт мактаби юзага келган. Мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшлар мураббийларидан, ўзлари билан ёнма-ён ишлаётган тажрибали ҳамкасбларидан ҳаққоний ўртоқлик, ўзаро ёрдам, топширилган иш учун масъулият сезиш, камчиликларга, меҳнат интизомини ҳамда коммунистик ахлоқ нормаларини бузиш ҳолларига муросасиз бўлиш сабоғини олмоқдалар. Биз коллективда ана шундай маънавий муҳитни мустаҳкамлай бориб, қурувчилик касбини янада шарафлаймиз.

Мели ҲАКИМОВ,
«Каршистрой» бошқармаси комплекс қурувчилар бригадаси бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати.

ҚАЙДАСИЗ, ҚУРОЛДОШЛАР?

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ХАТЛАРИДАН

● Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз орденли 44-Тамань полки ветеранларининг Стара Титаровка станицасида учрашувини ўтказиш мўлжалланмоқда. Шу муносабат билан полкдошимиз, биз «Николай» деб атаган Неъмат Маҳмудовни излаймиз. У 1942 йилдан жангда қатнашган, Кавказдан Норвегиягача бўлган жанговар йўлни босиб ўтган.

Хабар қилиш учун адрес: 349005, Ворошиловград области, Родиково посёлкаси, Садовая кўчаси, 146. Григорий Ефремович Татарчук.

● 1944 йилда урушда Қипчоқбой Жўраев деган йигит билан бирга жанг қилганман, иккаламиз ҳам ярадор бўлиб, Тошкент госпиталида битта палатада ётганмиз. Дўстимнинг ўша вақтдаги адреси: Фарғона область, Куйбишев район, Зодиён қишлоқ Совети. Қипчоқбой ўзи ҳақда менга хабар берса.

М. ЭШЧОНОВ,
Гурлан районидаги Киров номли колхоз.

● Тошкентлик старший лейтенант Ҳаким Сотиболдиев билан бирга 1942 йилдан 1945 йилгача 26-дивизиянинг 229-танкка қарши артиллерия полкида хизмат қилганман. Биз 1947 йилда уйга қайтганмиз. Хатимни эълон қилиб, дўстимни топишда ёрдам берсаларингиз.

Н. ЗАЙДИНОВ,
Хатирчи район, Калинин номли колхоз.

● Уруш йилларида 218-ўқчи полки 3-батальонининг 3-ротасида бирга жанг қилган қуролдошларимни топишда ёрдам берсангиз. Улар: Тошкент шаҳридан Орипжон Омонов, Денов районидан Орипжон Аҳмедов билан Мингбой Мелижонов ва бошқалардир.

Норн ХОЛЛИЕВ,
Туркманистон ССР, Чоржўй область, Денов районидаги «Ленинизм» колхози.

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎҒРИ ҚАРИСА...

Халқимизда «Ўғри қариса— суфи бўлади», деган нақл бор. Бу гап гўё Оқберди ҳақида айтилгандай. Гарчи, у ўғрилик қилмаган бўлса-да, жиноят кўчасига кириб, одил суд ҳукми билан 6 йил озодликдан маҳрум этилган эди.

Қамоқ муддатини ўташ вақтида унга устозлик қиладиган кимса топилди. Оқберди ундан диний ақидаларни, эскича расм-русумларни ўрганди.

Шундай қилиб, Оқберди Эшқулов қамоқдан «мулла» бўлиб қайтди. Салла ўраган, қора соқолли кишини кўрганлар дастлаб, «наҳотки, шу ўзимизнинг Оқберди бўлса» деб ҳайратдан ёқа ушлашди. Аста-секин унинг ихлосмандлари ҳам топилиб қолди.

Маҳалладаги маросимлардан мулланинг «хизматига» яраша ҳақ тушиб турарди. Аммо, бундай хизмат ҳақлари унинг нафсини қондира олмасди. Шу боисдан у «куф-суф» қилиб, дуохонлик билан шуғулланадиган бўлди.

Сохта мулла Оқберди Эшқулов ҳузурига нечта бемор нажот истаб келганлиги бизга номаълум. Аммо ундан биронта ҳам бемор шифо топгани йўқ.

1983 йилнинг июнь ойида Э. Жалилов турмуш ўртоғининг беш йилдан буён шол бўлиб ётганини, ҳеч қандай даво кор қилмаётганини айтганида ҳар гал дам солишга ундан 100 сўмдан сўрайди. Бемор З. Жалилова 100 сўмни фирибгар Оқбердига беришга рози бўлади. Бироқ мулланинг барча муолажалари бекор кетди.

Шунингдек, Красногвардейск шаҳрида яшовчи Х. Эшбоев турмуш ўртоғини дарддан халос этиб беришни илтимос қилиб, О. Эшқуловга мурожаат қилади. Мулла эса, унинг илтимосини рад этмай, беморни «дам» солиб даволашга киришади... Бунинг эвазига эса, беморнинг эридан 400 сўмлик гилам ундиради. Минг афсуски, фирибгарга ишонган бемор дунёдан бевақт кўз юмди.

Фирибгар Оқберди Эшқулов ЎзССР Жиноят кодекси 147-моддасининг 1-қисми билан айбланиб, жиноий иш қўзғатилди. Булунғур район халқ судининг ҳукми билан фирибгар мулла Оқберди Эшқулов 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

А. МАЛЛАЕВ,
Булунғур район прокурори.

ВЕТЕРАНЛАР МАМНУН

Бувайда район медицина бирлашмаси Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва иштирокчиларига медицина хизмати кўрсатишни тобора яхшилаб бораётир. Бу ерда ветеранлар учун алоҳида бўлим ташкил этилди. Бўлим замонавий анжомлар билан жиҳозланди.

Ветеранларга малакали врачлар ва ўрта медицина ходимлари намунали хизмат кўрсатяпти. Уларга яратилган бу қулайликдан ветеранлар беҳад миннатдор бўлмоқдалар.

Қ. ТУРСУНОВ,
уруш ва меҳнат ветерани.

БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

Газета ва журналлар бебаҳо хазинадир. Уларни кўз қорачиғидай асраш, келажак авлодларга авайлаб етказиш муқаддас бурчимиз. Хўш, шундай экан, уларни сақлашга нисбатан жойларда муносабат қандай?

Яқинда аввалги йилларда чиққан газета ва журналлардан фойдаланишга тўғри келди. Шу муносабат билан Термиз давлат педагогика институти кутубхонасида бўлдим. Бу ерда газета ва журналлар бор-йўғи бир йил сақланаркан. Шундан сўнг Термиз шаҳар марказлаштирилган кутубхонаси, Гоголь номли Сурхондарё область кутубхонасида бўлдим. Афсуски, бу кутубхоналарнинг бирортасидан ўтган йиллардаги газета ва журналларни топа олмадим.

Партия ва ҳукуматимиз маданий қурилиш, жумладан, кутубхоналарга ҳар йили кўплаб маблағ ажратмоқда. Шундай экан, газета ва журналларни сақлаш ишига бефарқ бўлмайлик. Қачонгача газета ва журналлардан фойдаланиш учун Тошкент ёки Москва шаҳрига борамиз? Наҳотки, Сурхондарёдек катта область кутубхоналарида газета ва журналларни доимий сақлашнинг иложи бўлмаса?!

Ш. САМАТОВ,
Термиз шаҳри.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Кеча редакция текшириш ва чора кўриш учун юборилган гражданлар шикоят ва аризаларига партия, совет ташкилотлари, министрлик ва идоралардан ўн еттита жавоб олди. Уларнинг кўпчилигида газетхонлар хатларидаги фактлар асосан тасдиқланган, текшириш натижалари юзасидан белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилаётгани маълум қилинади. Қуйида айрим жавобларнинг қисқача мазмуни билан танишасиз.

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Ҳазорасп районидаги Ленин номли совхозда яшовчи Р. Авазмуродовнинг унинг уйига табиий газ ўтказиш ҳақидаги аризаси кўриб чиқилди.

Совхознинг 1985 йил газлаштириш планида икки километрли газ тармоғини қуриш кўзда тутилган. Шу йилнинг биринчи ярмида аризачи яшаётган кўча ҳам газлаштирилади.

ҒИЖДУВОН ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Шаҳардаги Бобур номли маҳалла аҳолисининг юборган хати текширилди. Унда кўрсатилган фактлар тўғри. Мазкур маҳаллада электр, водопровод тармоқлари, табиий газ ўтказилмаган, магазин қурилмаган.

1985 йил планига кўра икки ярим километр масофадаги хонадонлар газлаштирилиши керак.

Озиқ-овқат магазини, сабзавот дўкони шу йил май ойининг охригача қурилиб, фойдаланишга топширилади. Маҳалланинг қолган қисмини электрлаштириш кўзда тутилмоқда.

ҒУЗОР РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ:

— «Пачқамар» совхозининг «Ўн олти» қишлоғида яшовчи Б. Аллоновнинг район колхоз бозорида чайқовчилик авж олганлиги ҳақидаги хати текширилганда, ундаги фактларнинг кўпи тасдиқланди. Махсус рейдлар натижалари район газетасида босилди ва мақола район матлубот жамиятида муҳокама қилинди. Бунда рейд иштирокчилари ва магазин мудирлари қатнашдилар. Айбдорлар маъмурий тартибда жазоландилар.

Район колхоз бозорида рейд ўтказилганда Эскибоғ қишлоғидан Н. Бобоева, Гулшан қишлоғидан С. Орипова, Ғузор шаҳар Советская кўчасида яшовчи М. Сатторовалар чайқовчилик қилишаётганда ушланди. Уларга нисбатан чоралар кўрилди. Махсус группа текшириш ишларини мунтазам давом эттирмоқда.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Журналистлар союзи ва унинг Тошкент ташкилоти уюштирган матбуот конференцияси «Матбуотда, телевидение ва радиоэшиттиришларда ҳарбий ватанпарварлик мавзуининг ёритилиши, «Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик масалалари»га бағишланди.

Конференцияда Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи Сиёсий бўлими бошлиғи, Ҳарбий кенгаш аъзоси генерал-лейтенант Н. А. Моисеев пойтахт журналистларининг кўргина саволларига жавоб берди. Округ қисмларида ёшларни она-Ватанга садоқат руҳида, ота-боболаримиз жанговар анъаналарининг муносиб ворислари қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Ахборот

ТЕАТР—ТИНЧЛИК ФОНДИГА

Ҳар йили пландан ташқари спектакль кўрсатиб, ундан тушган маблағни Тинчлик фондига ўтказиш Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўзбек давлат академик Катта опера ва балет театри коллективи учун анъанага айланган.

8 апрель куни театр Арам Хачатуряннинг машҳур «Спартак» балетини намойиш этди. Ўзбекистон ССР халқ артисти Иброҳим Юсупов саҳналаштирган бу спектаклдаги ролларни СССР халқ артисти Бернора Қориева, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Феруза Саъдуллаева, Шавкат Турсунов ва бошқалар ижро этишди. Балетга СССР халқ артисти Дилбар Абдураҳмонова дирижёрлик қилди.

Театрнинг кичик саҳнасида эса Ўзбекистон ССР халқ артисти Малика Аҳмедова иштирокида таниқли ва ёш ижрочиларнинг концерти қўйиб берилди.

Балет ва концертдан тушган маблағ Тинчлик фондига ўтказилди.

— Ижодимиз, ҳаётдаги серқувонч кунларимиз фақат тинчлик туфайлидир, — дейди Б. Қориева. — Шу сабабли тинчлик учун хизмат қилишни, унинг учун курашишни, Тинчлик фондига муносиб ҳисса қўшишни ўзимизнинг ватанпарварлик, гражданлик бурчимиз деб биламиз.

«Фармахим» таклиф қилади

9 апрелда Тошкентда «Болгария Халқ Республикасининг дори-дармонлари, ветеринария препаратлари, парфюмерияси, косметика ва тиш пасталари» кўргазмаси очилди. У «Ҳамма нарса инсон саломатлиги ва гўзаллиги учун» шиори остида ташкил қилинган. Кўргазмани Болгария Халқ Республикасининг СССРдаги савдо ваколатхонаси, «Фармахим» савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатаси уюштирган. Кўргазмада бирлашманинг 22 та заводи, унинг «Ален мак» ва «Арома» фирмалари маҳсулотлари намойиш қилинянти.

— Шу йил баҳорда, — деди «Фармахим» бош директорининг ўринбосари Стефан Попов, — бирлашмамиз ташкил этидганига 20 йил тўлди. Бундан беш йил муқаддам ҳам Ўзбекистон пойтахтида кўргазма уюштирган эдик. Ўтган давр ичида маҳсулотларимиз хиллари анчагина янгиланди. Унинг Совет Иттифоқига экспорт қилиниши беш баравар кўпайди. СССР биз ҳамкорлик қилаётган 85 та мамлакат орасида энг асосий савдо қиладиган шеригимиздир. Ҳозирги кўргазма фармакология, парфюмерия ва косметика соҳасида эришган ютуқларимизни намойиш қилади.

Суратда: кўргазма залида.
В. Молгачев фотоси.

АХЛОҚ ВА ОДОБ МАВЗУИДА

ХИЁНАТ

Неча ойдирки, бу оилани хурсандчилик четлаб ўтади. Кўчада мотоцикл овози эшитилса, болалар «Дадам келди», деб ташқарига интилишади. Етимликкa кўникиш қийин-да! Вақтлар келиб, бу икки норасида улғаяди, ҳаётда кўп қувончташвишларни бошдан кечиришади. Ана шундай пайтларда улар руҳий кечинмаларини оталари билан баҳам кўришни исташлари ҳам табиий. Бироқ бунинг иложи бўлмайди. Фарзандларнинг ҳаёл кўзгусида оталари энди йигирма етти ёшли навқирон йигит сифатида мангу гавдаланганча қолади.

Фаровон ҳаётимизда бемаврид қайғу қаёқдан келди! Нима сабабдан гўдаклар отасидан, кекса она ёлғиз ўғлидан жуда эрта айрилди! Ёш жувоннинг ёстиғи кўз ёшларидан нега нам!..

Эрталаб район газлаштириш идораси слесари Муродилла Эргашев мотоциклини миниб ишга отланди. Ип газлама фабрикаси хўжалик ишлари мудири Б. Бобомирзаев ҳам шу куни ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаса-да, қариндошининг «Москвич» енгил автомашинасини ҳайдаб кетаётган эди. Улар район марказидаги чорраҳада тўқнаш келишди. Бобомирзаевнинг айби билан авария содир бўлиб, Муродилла шикастланди. Бемор район марказий касалхонаси травматология бўлимига ётқизилди. Даволовчи врач — бўлим мудири Абдуҳаким Валиев «Бемор ўнг оёғининг тиззасидан пасти дарз кетган», деган хулосага келиб, унга оғриқ қолдирувчи дори-дармонлар тайинлади. Синган жойга шпелилонгет қўйди. Сўнг уйига кетиб, икки кун касалхонада бўлмади. Навбатчи врачларга лозим топилганда беморга қўшимча дори-дармон тайинлаш кераклигини ҳам айтмади. Ҳатто бўлимга қўнғироқ қилиб, ўзи қабул қилган касалнинг аҳволи билан қизиқмадиям. Навбатчилар эса бўлим мудири очган касаллик варақасида ёзилганидан бошқа муолажага ўтишмади.

Беморнинг аҳволи оғирлаша бошлади. Тўрт кундан сўнг ҳарорати кўтарилди. Синган суяклар атрофидаги тери шишиб кетди. Ўнинчи ноябрь куни рентгенга солиб кўрилганида унинг сон суяги ҳам ичидан синганлиги аниқланди. (Аслида бемор касалхонага олиб келинган куниёқ рентгенда текширилиши лозим эди).

Область касалхонасидан медицина фанлари кандидати, травматолог Н. Турғунов келиб, беморни текшириб, унинг ўнг сонининг юқорироги ҳам синганлигини, шу билан бирга жароҳат йиринглай бошлаганини аниқлади. Қўшимча дори-дармонлар тайинланди. Хирург А. Қориевнинг маслаҳати билан Муродилланинг оёғи операция қилинди. Орадан яна бир ҳафта ўтгач, касалхона бош врачининг ўринбосари, хирургия бўлими мудири ва даволовчи врач касални текшириб, бир тўхтамга кела олишмади. Шунинг учун область касалхонасидан хирург М. Абдуллаевни маслаҳатга чақиришди. У Муродилланинг йирингланган оёғини кесиб ташлашга шошмаслик, балки тез таъсир этувчи дорилар билан парвариш қилиш кераклигини айтди. Лекин кунлар ўтгач, касалнинг аҳволи оғирлаша борди. У ҳамон ўрнидан тура олмас, жароҳатнинг шишиб кетган жойлари кесиб очиб қўйилган, тўпланган йириング силқиб ётарди.

— Жон доктор, якка-ёлғиз ўғлимнинг жони қийналиб кетди, — деди беморнинг онаси даволовчи врачга кўзида ёш билан. —Рухсат берсангиз, унга ўзим қарасам...

Бу гапдан Валиевнинг қаҳри келиб:

— Биз яхши қарай олмаётган бўлсак, ўғлингизни хоҳлаган жойингизда даволатинг, — деди.

Бемор ётган чойшаб ва тагликларни тез-тез алмаштириш керак эди. Бу иш касалхонадагиларни чартатди шекилли, «уйингизда ювиб келинглар», дейишди.

Травматология бўлими мудири Валиев бу воқеани кўриб, билса ҳам индамади. Шошилинч чора кўрмади. Хотиржам юраверди. Беморнинг аҳволи борган сари ёмонлашди. Иккинчи консилиумдан бир ярим ой ўтгач, шу йилнинг учинчи январь куни врачлар яна кенгашишди. (Бу пайтда Валиев шамоллаб қолгани учун касаллик варақаси очтирган, уйида дам оларди). Улар маслаҳатлашиб, областдан хирург чақиртиришди.

— Унга бу ерда яхши қарай олишмаётгани аниқ эди. Шу сабабли 5 январь куни ўзимизнинг касалхонага жойладик, малакали мутахассислар билан қайта операция қилдик, — дейди область касалхонасининг хирурги А. Исмоилов. — Бироқ вақт ўтган эди. Кўрсатилган шошилинч чоралар кор қилмади. Орадан тўққиз кун ўтгач, у ҳаётдан кўз юмди...

Хонага новча, озғиндан келган оқ қалпоғи остидан сочлари турпиб чиққан, жинси шим кийган йигит кириб, қўлининг учини узатиб кўришган бўлди-да, бўш стулга ўтирди. Бу— Валиев эди. Муродиллани даволаши лозим бўлган бу шахс ўн тўрт йил муқаддам Андижон давлат медицина институтини битирган. Ундан: «Муродилланинг ўлимига ўзингизни айбли деб ҳисоблайсизми», деб сўрадик. У бир оз ўйлаган бўлди-да:

— Йўқ, — деди. — Қўлимдан келган барча ишларни қилдим. Ҳатто область марказидан зўр докторларни чақиртирдим.

Валиев саволларга гоҳ энсаси қотиб, гоҳ истеҳзо билан жавоб берарди. У навқирон йигитнинг ўлимига сабабчи бўлганлигини тан олгиси келмас, совуққон, лоқайд эди.

Травматология бўлимида Валиевдан тузукроқ шифокор йўқмиди? Нима учун ёш беморнинг аҳволи кун сайин танглашаётганини кўра-била туриб, улар бўлим мудирига йўл-йўриқ кўрсатишмади? Нега унинг жиноятконма масъулиятсизлигига томошабин бўлиб қараб туришди? Нега даволовчи врач бемор аҳволи оғирлаша бошлаганини сезиб, шамоллаганини баҳона қилиб, икки ҳафта ишга чиқмади? Муродилла дафн этилганидан сўнг бамайлихотир касалхонага кириб келди. Аммо у шу кунлар ичида бирор марта ҳам касалхонага қўнғироқ қилиб, беморнинг аҳволини суриштиргани йўқ. Чунки у Муродиллани дастлабки кунлардан нотўғри даволаганини кеч бўлса-да, тушунган, аммо очиқ тан олгиси келмасди.

Валиев врачлик қасамига хиёнат қилди. Уни тарбиялаган, ўқитган, вояга етказган кишиларга хиёнат қилди!

Суд-медицина экспертизаси, қолаверса касалхона шифокорларининг фикрича, Валиев беморни биринчи куни рентгенда текширтирганида, тез таъсир этувчи дорилардан фойдаланганда бемор соғайиши мумкин эди. Мудир масъулиятсизликдан ташқари беморнинг яқинларига нисбатан қўполлик қилди, қалбларини жароҳатлади.

Эргашевлар оиласининг хати Муродилла вафот этганидан сўнг бир ой ўтгач ёзилган эди. Биз шу хат юзасидан Уйчи район марказий касалхонасига келганимиздан сўнггина Валиевнинг ўз касбига қилган хиёнати шифокорларнинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди. Нима учун касалхона маъмурияти бу ачинарли фактга ўз вақтида баҳо бермади? Агар редакция аралашмаганида у бемалол ишлайверар экан-да? Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, авария айбдори— ип йигирув фабрикаси хўжалик ишлари мудири Б. Бобомирзаев шу пайтгача жавобгарликка тортилмади.

Медицина гуркираб ривожланаётган ҳозирги даврда айрим шифокорларнинг масъулиятсизлиги ва ўзига ишониб топширилган бемор ҳаётига бепарво муносабатда бўлгани оқибатида ёш йигит ҳаётдан кўз юмди. Ҳўш, ана шундан кейин ҳам врачлик қасамига хиёнат қилган Валиевни шифокор деб бўладими? Область соғлиқни сақлаш бўлими Уйчи районида содир бўлган бу воқеага қандай баҳо бераркин?!

А. НИЕЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАЖРИБА, ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА

БОЗОР ВА ЭҲТИЁЖ

Кейинги йилларда колхозчилар ва совхоз ишчилари томорқаларидан самарали фойдаланадиган бўлиб қолдилар. Улар ўзлари етиштирган маҳсулотларни харидоргир қилиб сақлашни ҳам биладилар. Шунинг учун қаҳратон қишда ҳам Марҳамат бозори гавжум бўлди. Унинг расталарини озиқ-овқатлар, турли кўкатлар, сабзавот маҳсулотлари, мевалар, қовун-тарвузлар, тўлдириб турди.

Лекин бу, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси бозордан топилади, деган гап эмас. Бозорнинг сут маҳсулотлари сотиладиган пештахталари кўп вақт ҳувиллаб қолади. Аввалари бу ерда сут, қатиқ, сариёғ, пишлоқ, сузма тўлиб ётарди.

Эндиликда аҳоли шахсий хўжалигида чорвани ривожлантириш имкониятлари анча чегараланиб қолди. Емхашак етишмаётир.

Марҳамат район матлубот жамияти 1984 йилда аҳолига 167 тонна аралаш озуқа сотди, холос. Чигит пўстлоғи, қунжара каби озуқалар эса мутлақо сотилгани йўқ. Ваҳолонки, район аҳолиси ихтиёрида 6,5 минг бош сигир бор. Шунча чорвага 167 тонна аралаш озуқа урвоқ ҳам бўлмайди. Томорқалар рўзғорбоп экинлар, мевали дарахтлар билан бандлигидан шахсий хўжалик чорваси учун озуқа етиштириб бўлмаяпти. Демак, озуқа муаммосини ҳал қилмай туриб, шахсий хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш мумкин эмас. Модомики, шундай экан, бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўриш керак.

Колхоз бозори аҳоли ўз товарини алмаштирадиган маскан ҳамдир. Биров молини сотиб, қўй олади. Бошқа биров эса мева-чева сотиб, гўшт-ёғ, сабзавот харид қилади ва ҳоказо. Андижон области деҳқонлари ўз ёрдамчи хўжалигида етиштирилган ҳўл ва қуруқ мева, узум, эртаки бодринг, помидор, карам ва бошқа маҳсулотларнинг бир қисмини қардош Қирғизистон ССРнинг Ўш, Қизилқия, Жалолобод шаҳарлари бозорларига элтиб сотадилар.

Ўз навбатида қирғизистонликлар ҳам Андижон бозорларига картошка, мева, дон, пичан, сомон ва чорва молларни келтириб сотишади.

Бозорга маҳсулот қанча кўп кирса, шунча арзон бўлади. Бу янги гап эмас. Бозорга маҳсулотнинг кўпроқ келтирилиши кўп жиҳатдан бу ерда яратилган шарт-шароитга ҳам боғлиқдир.

Бу борада Марҳамат колхоз бозори дирекцияси катта тажрибага эга. Бозор сўнгги йилларда янада обод бўлди. Павильонлари ва расталари анча кенгайтирилди. Бозор қошида алоҳида меҳмонхона, ошхона, сомсахона, 4 та новвойхона, 8 та саноат ва озиқ-овқат магазини мавжуд. Шунингдек, майиший хизмат кўрсатиш корхонасининг 2 та сартарошхонаси, 5 та оёқ кийимлари тикиш, ремонт қилиш дўкони аҳоли хизматида.

1984 йилда бозорга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтириш плани 125 процентга етказиб бажарилди. Бозорнинг молия-хўжалик планлари ҳам ортиғи билан уддаланди. Бозорга маҳсулот кўп киргани учун унинг нархи анча пасайди.

Бу ўринда гўшт-ёғ павильони ҳақида яхши гаплар айтиш мумкин. Павильон кўнгилдагидек жиҳозланган. Гўшт нархи қатъий, йил бўйи ўзгармайди.

Бунинг учун бозорда моддий база яратилган. Бозор қошида ёрдамчи хўжалик бор. Бу ерда 25-30 бош қорамол, 40-50 бош қўчқор боқувда туради. Ёрдамчи хўжалик коллективи адир массивидан 4 гектар ер олиб, чорва учун озуқа етиштирмоқда. Бозорда гўшт маҳсулоти камайиб қолгудай бўлса, дарҳол ёрдамчи хўжаликдаги қорамол ва қўйлардан сўйиб сотиладеради. Шу йўл билан нархнаво бирдек ушлаб турилмоқда. Ўтган йили ёрдамчи хўжаликдан 10 минг сўм даромад олинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Кези келганда шуни ҳам айтиш ўринлики, Марҳамат район матлубот жамияти ўзининг чорва фермаси бўлишига қарамай, аҳолини гўшт маҳсулоти билан таъминлашга ҳисса қўшмаётир. Матлуботчилар гўшт-ёғни оширилган нархларда сотиб, бозор нархини бузаётирлар.

Бозор қошидаги аҳолига савдо хизмати кўрсатиш бюроси бундан 12 йил муқаддам Андижон областида биринчи бўлиб Марҳамат колхоз бозорида ташкил топган эди. Дала ишлари билан банд бўлган колхозчилар, совхоз ишчилари томорқасида етиштирилган қишлоқ хўжалик, чорва маҳсулотларининг ўз эҳтиёжидан ортиқча қисмини шу бюро орқали сотаётирлар. Масалан, бюро ходимлари 1983 йилда 521 минг сўмлик, 1984 йилда эса 533 минг сўмлик маҳсулотни сотиб бердилар.

Колхоз ва совхозлар ҳам мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг ўн процентини бозор дўконларида сотишлари мумкин.

Марҳамат колхоз бозори райондаги 8 та хўжалик билан шартнома тузган. Ҳар бир хўжалик учун бозорда биттадан дўкон қуриб қўйилган. «Октябрь 50 йиллиги», Свердлов номли колхозлар шартномага мувофиқ бозордаги дўконларга гўшт, сут, тухум, мева, сабзавот келтириб туришади.

Лекин Калинин номли, «Пахтакор», Ильич номли, Куйбишев номли колхозлар, «Комсомол 60 йиллиги», «Ленин комсомоли» совхозлари шартномага амал қилмаётирлар.

А. МУҲИДДИНОВ,
Марҳамат колхоз бозорининг директори.

ОБ-ҲАВО

Шу кеча-кундузда Тошкент областининг тоғли районлари ва Фарғона водийсида ҳаво бир оз булутли бўлади. Кечаси жойларда ёмғир ёғиб, кундузи ҳаво қуруқ келади. Қолган ерларда ёғингарчиликнинг бўлмаслиги кутилади. Кечаси ва эрталаб кучсиз туман тушади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 4-9, кундузи 6-11, Устюртда 0-5 даража иссиқ бўлади. Кундузи 18-23, жойларда 25, Қорақалпоғистон АССР ва Фарғона водийсида 13-18, айрим ерларда 21 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво булутланиб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 6-8, кундузи 20-22 даража иссиқ бўлади.

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

● Андижон область Пахтаобод районида ташкил этилган «Ахборот» оғзаки журналини район меҳнаткашлари қизғин кутиб олишди.

Журналнинг навбатдаги сони Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланди. Унда Улуғ Ватан уруши, меҳнат ветеранлари, партия, совет, комсомол ташкилотларининг ходимлари қатнашдилар.

Уруш иштирокчилари Маҳкамбой Аҳмадалиев, Мелибой Режапов, Оқйўл Йўлдошевларнинг жанг хотиралари ёшларда яхши таассурот қолдирди.

О. СУЛТОНОВА.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги
ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
қуйидаги кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

мудирлар (фан докторлари, профессорлар, фан кандидатлари, доцентлар): материалшунослик, кон-геология ишлари ва нефть-газ саноати экономикаси ва уни ташкил қилиш, совутиш ва компрессор машиналари ҳамда қурилмалари;

доцентлар: саноат корхоналари ва шаҳарларнинг электр таъминоти (2 ўрин), электр системалари ва тармоқлари, пластик массаларни қайта ишлаш технологияси, қурилиш материаллари, энергетика экономикаси ва уни ташкил қилиш, электр машиналари, материалшунослик, физик электроника, расм, тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик, экспериментал ва назарий физика (2), фалсафа (2), архитектура тарихи ва назарияси, химия машинасозлиги, ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар, саноат иссиқлик энергетикаси (2), саноат ва граждан қурилиши, иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция, қурилиш конструкциялари, қишлоқ хўжалик машиналари (0,25 ставка), чет эл гражданлари билан тайёрлов факультетида ишлаш учун умумтаълим фанлари (2), тайёрлов бўлимида ишлаш учун математика, амалий механика, бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари, техникавий кибернетика, робот-техника ва ахборот системалари (2), иссиқлик электр станциялари, коллоидли химия, материаллар қаршилиги, конгеология ишлари экономикаси, назарий механика;

катта ўқитувчилар: 1-жисмоний тарбия, амалий механика, тайёрлов бўлимида ишлаш учун физика, электр станциялари, чет эл гражданлари учун тайёрлов бўлимида ишлаш учун рус тили, саноат электроникаси, геология;

ассистентлар: олий математиканинг махсус боблари, металлар технологияси, саноат иссиқлик энергетикаси, нефть ва газ конларини ишлаб чиқиш, назарий механика;

ўқитувчи: жисмоний тарбия.

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА

мудир (фан доктори, профессор, фан кандидати, доцент): математика:

доцентлар: физика (2), марксизм-ленинизм (2);

ассистентлар: қурилиш машиналари, марксизм-ленинизм (3).

НАВОИЙ ШАҲРИДА

доцентлар: ҳисоблаш техникаси, иссиқлик физикаси, иссиқлик техникаси курсларини олиб бориш учун;

ассистентлар: чизма геометрия ва чизмачилик, умумий химия, ҳисоблаш техникаси.

НАМАНГАН ШАҲРИДА

доцентлар: гидромелиоратив машиналар (2), олий математика (2), қурилиш машиналари, машина деталлари, ҳисоблаш техникаси ва бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари, машиналар ва механизмлар назарияси, темир-бетон конструкциялар, саноат ва граждан қурилиши ҳамда қишлоқ хўжалик қурилиши архитектураси;

катта ўқитувчилар: материаллар қаршилиги, чизма геометрия ва чизмачилик.

САМАРҚАНД ШАҲРИДА

мудир (фан доктори, профессор, фан кандидати, доцент): умуминженерлик фанлари;

ассистентлар: чизма геометрия ва чизмачилик, энергетика фанлари.

МУБОРАК ШАҲРИДА

катта ўқитувчи: умумтаълим фанлари;

ассистентлар: рус тили ва адабиёти, электротехника асосларининг назарияси курсларини олиб бориш учун.

КЕЧКИ-СИРТҚИ БЎЛИМ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

доцентлар: илмий коммунизм, чизма геометрия ва чизмачилик, қурилиш ишлаб чиқариш;

ассистентлар: чизма геометрия ва чизмачилик, илмий коммунизм (2).

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

катта ўқитувчи: марксизм-ленинизм.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА

ассистент: КПСС тарихи курсини олиб бориш учун (рус тилида).

АНГРЕН ШАҲРИДА

ассистентлар: энергетика фанлари, сиёсий иқтисод курсларини олиб бориш учун (ўзбек тилида).

ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ

доцентлар: меҳнат қонуни асослари, қурилиш экономикаси, қурилиш ишлаб чиқариш технологияси курсларини олиб бориш учун.

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ ВА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ

доцент: қурилишни бошқариш (ярим ставка).

Конкурс муддати — 30 апрелгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, ГСП, Навоий кўчаси, 13-уй, 49-хона.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

Р. АКОПЯН

ИШТИРОКИДА

«ЦИРК, ЦИРК, ЦИРК»

икки бўлимдан иборат

КАТТА РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА

ТОМОШАЛАР КЎРСАТИШ ПАЙТИДА ТОМОШАБИНЛАР УЧУН ҚАТОР ВА ЎРИН ЮТУҚЛАРИ ЎЙНАЛАДИ.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари эса 16.00 ва 19.00 да; якшанба кунлари 12.00, 15.00 ва 18.00 да бошланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Касса 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Олдиндан билет сотиш ташкил этилган.

Маълумотлар учун телефонлар: 44-35-31, 44-28-04, 44-35-84.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети комитет қошидаги давлат инспекциясининг инспектори Р. Л. Аллаберднинга онаси

Сарҳабмал БАЙГУБЕКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг аппарати коллективи бош инспектор М. Ғаниевга акаси

Саидакбархон АЪЗАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти коллективи немис тили факультети лексика кафедрасининг мудири Ш. Рўзиевга отаси

Рўзи КЕНЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

10 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА I. 9.00 «Время». 9.40 «Ғалаба стратегияси». 7-фильм. 10.40 Виргалиқда аҳил оиламиз. 11.00 Саёҳатчилар клуби. 12.00 Телефильм. 12.30 Тасвирий санъат. 13.15 ва 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар. 16.05 Концерт. 16.25 Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.00 Концерт. 17.20 Тарих саҳифалари. 18.05 Концерт. 18.35 Мультфильм. 18.45 Телефильм. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Кувноқ нотачалар. 19.45 Дунё ва ёшлар. 20.20 Телефильм. 20.30 «Афсона шундай бошланган». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 22.25 Балет ҳақида. 23.30 Дунё воқеалари. 23.45 Спорт ҳафталиги.

МОСКВА II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Телефильм. 9.35 Жамиятшунослик. 10.05 Немис тили. 11.05 Умумий биология. 11.35 Тарих. 12.05 Онамларнинг мактаби. 13.10 Ўқув программаси. 14.10 Қизиқарли физика. 14.40 Илмий-оммабоп фильм. 14.55 Совет адвокатурасининг иши ҳақида. 15.40 Улуғ Ватан уруши йилларида драматургия. 16.25 Чашмалар. 16.50 ва 18.30 Янгиликлар. 18.50 Музикали киоск. 19.20 «Ўзингга буюр». Бадиий фильм. 1-серия. 20.20 Концерт. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 Социалистик экономикани бошқариш. 21.15 Халқ куйлари. 21.30 «Время». 22.05 «Қишлоқда содир бўлган воқеа». Телеспектакль. 23.35 Пойтахт гастролларида.

ТОШКЕНТ I. 10.00 «Ахборот». 10.20 Расул Ғамзатов ижоди ҳақида. Телефильм. 11.30 Физика. 12.00 Санъат ғунчалари. 12.30 Рус адабиёти. 13.00 ва 18.00 Янгиликлар. 18.15 Қўғирчоқ фильм. 18.30 Шоирлар-болаларга. 19.00 Телефильмлар. 19.30 «Ахборот». 19.45 Экиш: суръат ва сифат. 20.05 Ҳужжатли фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Номингни унутма». Бадиий фильм. 23.55 Янгиликлар.

ТОШКЕНТ II. 9.00 — 16.55 Москва II. 18.20 Телефильм. 18.35 Халоскор совет жангчиси. 19.40 Ҳужжатли фильм. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Эстетика асослари. 21.00 Бунёдкорлик уфқлари. 21.30 — Москва II.

РАДИО

10 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 Ёш овозлар. 9.30 Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 10.15 Концерт. 11.15 Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. 11.25 Улуғ Ватан урушида қатнашган композиторлар. 12.10 Узбекистан индустриальний. 13.00 Чорвадор. 14.00 Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш. 15.40 Рус тили — дўст тили. 16.00 «Қизил, сариқ, яшил». 17.00 Мактаб ўқувчилари учун эшиттириш. 18.15 Юность. 19.25 Қармоқ. 19.40 Миллионлар ленинча университети. 20.50 Шеърият кечаси. 21.10 Концерт. 22.30 Концерт. 23.30 Дам олиш концерти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53 16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.